

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА

МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

қўлёзма ҳуқуқида  
УДК

АВЛЯЕВ ОБИД АХАДОВИЧ

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИДА ИЖТИМОЙ  
ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА БОШҚАРИШНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(Наманган вилояти мисолида)

5А340201 “МЕНЕЖМЕНТ” (ИШЛАБ ЧИҚАРИШ)

Мутахассислиги бўйича магистр  
академик даражасини олиш учун ёзилган

***ДИССЕРТАЦИЯ***

Илмий раҳбар:

и.ф.д., проф. Т.Э. Эргашев

Наманган-2011

## МУНДАРИЖА

	<b>КИРИШ</b>	4
I БОБ	МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОЙ ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНИШИ.....	9
1.1.	Инфратузилманинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти.....	9
1.2.	Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришнинг асосий вазифалари.....	16
1.3.	Ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш орқали аҳоли фаровонлигини ошириш .....	24
II БОБ	НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ БОРИШИ ВА ИЖТИМОЙ ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНИШИ .....	30
2.1.	Наманган вилоятида иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар .....	30
2.2.	Наманган вилоятида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар таҳлили .....	39
2.3.	Наманган вилоятида ижтимоий инфратузилмани ривожланиши.....	47
III БОБ	МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИДА ИЖТИМОЙ ИНФРАТУЗИЛМАНИ БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ.....	55
3.1.	Ижтимоий инфратузилмани ташкил қилиш ва ривожлантириш .....	55
3.2.	Наманган вилоятида ижтимоий инфратузилмасини бошқариш механизмини такомиллаштириш .....	57
3.3.	Наманган вилоятида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш истиқболлари.....	67
	ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	74
	Фойдаланилган адабиётлар.....	78
	ИЛОВАЛАР.....	83

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Аҳоли турмуш даражасини ошириш ва фаровонлигини юксалтиришда ижтимоий инфратузилма хизматларининг роли беқиёсдир. Шунга кўра, мамлакатимизда ушбу соҳани ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Кейинги йилларда республикамызда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш борасида аҳамиятли ютуқ ва муваффақиятларга эришилмоқда.

Республикамызда аҳоли фаровонлигини таъминлаш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Айниқса, қишлоқ аҳолисини уй-жой билан таъминлашнинг аҳамиятли чора-тадбирлари амалга оширилиши натижасида мазкур кўрсаткич сезиларди даражада ўсиб бормоқда. Агар 1996 йилда қишлоқ уй-жой фонди 180,5 млн. кв. метрни ташкил этган бўлса, 2006 йилда 240,9 млн. кв. метрга етган. Умуман олганда, 1996-2006 йиллар давомида республика бўйича жами уй-жой фондининг ўсиш даражаси 127,4% ни ташкил этгани ҳолда, бу кўрсаткич шаҳарда 118,6% ни, қишлоқда 133,5% ни ташкил этган. Бу эса қишлоқ фаровонлиги ва ободончилигининг ошишида муҳим шарт-шароит яратади.

“Кейинги йилларда қишлоқдаги аҳолининг ҳар 1 киши ҳисобига уй-жой билан ўртача таъминланганлиги ошиб бормоқда. Айни пайтда, ободончилик даражасининг ошишига таъсир қилувчи шарт-шароитлар ҳам яхшиланиб бормоқда. Масалан, табиий газ билан таъминланганлик даражаси 1996 йилдаги 58,6% дан 2006 йилда 71,4% га, водопровод билан таъминланганлик даражаси 23,9% дан 45,1% гача ошган. Бироқ, ҳали қишлоқ ободончилигини таъминлашда ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан, йиллар давомида ошиб бораётганлигига қарамай, бугунги кунда қишлоқдаги уй-жойларнинг марказий иситиш воситалари (17%), канализация (9%), иссиқ сув таъминоти (2,3%), ванна (2%) билан таъминланиш даражаси жуда паст.

Қишлоқ жойларни ободонлаштириш ишларини изчил тизимга солиш, уларни мунтазам равишда олиб бориш мақсадида ободонлаштириш моддий техника базасини мустаҳкамлашнинг 2009-2011 йилларга мўлжалланган

дастурини ишлаб чиқиш, ободонлаштириш ишлари ташкил қилиш ва рағбатлантириш қоидаларини тайёрлаш жараёнлари амалга оширилмоқда.

“Қишлоқ ҳаётини обод этишда уларнинг қиёфасини ўзгартириш, бугун қишлоқ жойларида яшаётган одамларнинг турмуш шароитини замон талабларига мослаштириш, керак бўлса, уни шаҳар шароитига яқинлаштириш ғоят муҳим ўрин тутди, десам, ўйлайманки, янглишмаган бўламан”<sup>1</sup> деб таъкидлайдилар Президентимиз И.А.Каримов.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш ўз ичига маҳаллий қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қишлоқда янги қурилиш технологияларини қўллаш ишларини ҳам олади. Бунда янги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш, модернизациялаш ва техник қайта қуrolлантириш тадбирлари кўзда тутилади. Қишлоқ жойларида 77 та янги қурилиш материаллари фирма магазинларини ташкил қилиш ҳам шулар жумласидандир.

Лекин шунга қарамай, қишлоқда инфратузилма объектларини ташкил ва ривожлантиришда ҳали кўп масалалар етарлича ҳал этилмапти. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши барча тармоқларнинг ўзаро узвий боғлиқликда ривожланишини талаб қилади. Ўзбекистонда ялпи миллий маҳсулотнинг аксарият қисми агросаноат мажмуаси тармоқларида ишлаб чиқарилаётганлиги уларнинг ўзаро боғлиқлик доирасини янада кенгайтириш заруратини келтириб чиқаради.

“Қишлоқ ҳаётини обод этишда уларнинг қиёфасини ўзгартириш, бугун қишлоқ жойларида яшаётган одамларнинг турмуш шароитини замон талабларига мослаштириш, керак бўлса, уни шаҳар шароитига яқинлаштириш ғоят муҳим ўрин тутди, десам, ўйлайманки, янглишмаган бўламан”<sup>2</sup> деб таъкидлайдилар Президентимиз И.А.Каримов.

---

1. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.

1. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-

Қишлоқларимиз қиёфаси – бу энг аввало мазкур ҳудудда истиқомат қилаётган, ўзининг фидокорона меҳнати билан ушбу масканнинг янада ривожланиши ва кўркамлашишига ҳисса қўшиб келаётган қишлоқ аҳолисининг бугунги кундан мамнунлиги ва эртанги кунга бўлган ишончини ифодаловчи умумий манзарадир. Бу қиёфа қишлоқларнинг ободлиги, улардаги уй-жойларнинг чиройли ва кўркамлиги, аҳолига хизмат кўрсатувчи кўплаб ташкилотлар, мактаблар, болалар боғчалари, истироҳат боғлари ва бошқа кўнгилочар муассасалар, ишлаб чиқариш корхоналари, маъмурий биноларнинг ташқи ва ички кўринишлари, улардан фойдаланиш қулайлиги билан белгиланади.

Шу боисдан инфратузилма объектларини ташкил этишнинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш негизида уларни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва имкониятларини аниқлаш, жумладан ишлаб чиқариш, ижтимоий институционал ва бозор инфратузилма объектларини ташкил этиш ва ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш бугунги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимиз аграр иқтисодиёти доирасида қишлоқ хўжалигида инфратузилмани ривожлантириш масаласи иқтисодчи олимлардан С.Н.Усмонов, Р.Хусанов, Қ. Ҳасанжонов, Н. Хушматов, К.Чориев, А.Абдуғаниев, Э.Акрамов, А.Жўраев, С.Жалолов, Т..Эргашев, А. Шокиров ва бошқаларнинг тадқиқотларида кенг ўрин берилган.

**Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари.** Магистрлик диссертациясининг мақсади жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот предмети.** Наманган вилоятида ижтимоий инфратузилмани ривожланиши, улар ўртасидаги ўзаро ва бошқа субъектлар билан бўладиган иқтисодий муносабатлар тизими тадқиқот предмети ҳисобланади.

---

иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.

**Тадқиқотнинг ўрганиш жойи.** Тадқиқотнинг ўрганиш жойи сифатида Наманган вилояти танланди.

**Тадқиқотнинг услубий асослари ва усуллари.** Тадқиқотнинг услубий асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари, ижтимоий ва иқтисодий инфратузилмани ривожлантиришга бағишланган хорижий ва республикамиз етакчи олимларининг илмий асарлари ташкил этади.

Тадқиқот жараёнида иқтисодий таққослаш, монографик ўрганиш, мантикий фикрлаш, статистик гуруҳлаш ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилди.

Магистрлик диссертациясини Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Республика Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Наманган вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт бошқармасининг статистик маълумотларидан кенг фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Наманган вилояти хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётни модернизациялаш шароитларида ижтимоий инфратузилмани ривожланиш хусусиятлари назарий ва амалий жиҳатдан очиқ берилган; ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришнинг асосий вазифалари ёритилган, ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш орқали аҳоли фаровонлигини ошириш масалалари кўриб чиқилган, Наманган вилоятида иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар таҳлил қилинган, Наманган вилоятида ижтимоий инфратузилмани ривожланиши кўриб чиқилган, Наманган вилоятида ижтимоий инфратузилмасини бошқариш механизмини такомиллаштириш ва уни ривожлантириш истиқболлари бўйича таклиф ва тасиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий аҳамияти** шундан иборатки, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва уни бошқариш механизмини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган ёндашувлардан Наманган вилоятининг истиқболда ривожлантириш режаларини асослашда, Иқтисодиёт таълим йўналишларида тахсил олаётган талабаларга «Ижтимоий

менежмент», «Тадбиркорлик асослари», “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” фанларини ўқитишда, ҳамда вилоят ҳокимлиги томонидан мазкур масалага оид дастурий ҳужжат ва амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

**Ишнинг синовдан ўтиши (апробацияси).** Диссертация ишининг асосий ғояси ва унинг мазмун-моҳияти, илмий-амалий аҳамияти, тадқиқот жараёнида олинган натижалар, хулосалар ва ишлаб чиқилган тавсиялар магистрантларнинг илмий семинарларида баён қилинган ва қуйидаги илмий-амалий конференцияларда маъруза қилинган ва муҳокама этилган “Рақобатбардош кадрлар тайёрлашда мустақил таълим: жаҳон таълим тизими тажрибаси ва олий таълим муассасалари ҳамкорлиги” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси (2010 йил, Наманган), “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”га бағишланган “Таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро инновацион ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш, тажриба ва истиқболлар” (2011 йил, Наманган).

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертациянинг асосий мазмуни Республика илмий-амалий конференциялари тўпламларидаги 2 та илмий мақолаларда ўз ифодасини топган.

**Магистрлик диссертациясининг таркиби** Магистрлик диссертацияси кириш, 3 та боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар руйхатидан ҳамда иловалардан ташкил топган.

# **I-БОБ. МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОЙ ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНИШИ**

## **I.1. Инфратузилманинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти**

Инфратузилма иқтисодий тизимнинг бир бўлагини ташкил қилиб, у ишлаб чиқаришнинг бир маромда фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратади.

“Инфратузилма” сўзи лотин тилидан (infrastructure) таржима қилинганда “тузилмадан ташқарида” маъносини англатади. Иқтисодий нуқтаи назардан инфратузилма моҳиятига қуйидаги изоҳ кўпроқ мос келади: “инсон ҳаёти ва ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида фаолиятлар алмашинуви таъминловчи товарлар ва хизматлар яратишда ўзига хос меҳнат жараёнлари мажмуаси”.

Кейинги йилларда инфратузилма юксак суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Буни бир қатор омиллар билан изоҳлаш мумкин. Хусусан, ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари инфратузилмалар ривожидан олдинда бормоқда ва бу иқтисодиётнинг ривожланишига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда.

Инфратузилма жуда кенг қамровли тушунча бўлиб, бу энг аввало ишлаб чиқариш жараёнига ҳар тарафлама хизмат кўрсатадиган хизмат тураларини яратиш билан боғлиқ.

Ҳозирги замон иқтисодиёт фанлари тизимида инфратузилмалар масаласи алоҳида ўрин тутади. Хусусан, “инфратузилма” тушунчаси ғарб иқтисодий адабиётларида ўтган асрнинг 40-йиллари охирида юзага келди. Унинг иқтисодиётнинг мустақил тизими сифатидаги ўрнини ўрганишга зарурият, бир томондан, инфратузилмаларнинг замонавий меҳнат тақсимооти чуқурлашуви пировард натижаси сифатида шаклланганлиги, иккинчи томондан, бутун бир иқтисодиёт сингари инфратузилмалар ҳам фақат бозор механизмлари таъсир кучи билан ривожлана олмай, балки унга давлатнинг алоҳида эътибори талаб қилиниши билан шаклланди.

Инфратузилмалар тизимида амалга ошириладиган ишлаб чиқариш муносабатлари моҳияти мазкур тушунчага турлича таърифларни юзага келтирди. Яъни, инфратузилмалар тизимидаги ишлаб чиқариш – хизмат кўрсатишда моддий ишлаб чиқаришдан фарқли равишда ишлаб чиқариш билан истеъмол муносабатларининг бир пайтда амалга ошади. Шунингдек, тизимда яратилаётган қиймат тўғридан-тўғри товар маҳсулот ёки фойда кўринишида шаклланмасдан, билвосита, айна моддий ишлаб чиқариш пировард маҳсулоти таркибида шаклланади. Инфратузилмаларнинг ижтимоий, маиший, бозор шаклларида эса бу жараён янада мураккаб “масофа”ни босиб ўтиб, уларнинг баъзиларида (ижтимоий ва маиший инфратузилмаларда) яратилаётган қиймат ишчи кучи такрор ишлаб чиқариши орқали, баъзиларида (бозор ва маиший инфратузилмаларда) эса ресурслар, ишлаб чиқариш қувватлари ва бозор механизмлари тизимида намоён бўлади.

Шунинг учун ҳам инфратузилма тушунчасига таъриф берилганда айрим тадқиқотчилар уни товарлар шакли ва ишлаб чиқариш жараёнларига бевосита алоқадор бўлмаган, шунингдек, ишлаб чиқарувчига тўғридан-тўғри фойда (ёки даромад) келтирмайдиган “жамият сарф харажатлари” сифатида баҳоласалар, айрим тадқиқотчилар ишлаб чиқариш амалга оширилишини ва самарадорлигини таъминлашнинг зарурий характердаги шартлар (йўллар ва коммуникациялар тармоғи, транспорт воситалари ва қатнови, ер қурилиши ва бошқ.) мажмуаси, дея эътироф этадилар. Бу гуруҳ тадқиқотчилар фикрича, инфратузилмалар тизимининг самарали ташкил этилиши бозор хўжалиги шароитидаги корхоналар харажатларини қисқартириш, капитал ҳаракати жараёнини енгиллаштириш, жамият миқёсидаги талаб ва бандлик даражасини ошириш, шунингдек, фойда нормасини кўпайтириш имконини беради.

Замонавий хорижий, хусусан, АҚШ ва Ғарбий Европа иқтисодий адабиётларида инфратузилмаларни тавсифлашда кўп ярусли ёндошув мавжуд. Жумладан, макроиқтисодиёт даражасида инфратузилмалар – бу фуқаролар ва корхоналар томонидан фойдаланиладиган ва одатда давлат

томонидан ташкилланадиган капитал иншоотлар, тизимлардир. Буларга автомагистраллар, кўприклар, шаҳар транспорт тизими, сув тозалаш иншоотлари, муниципал сув таъминоти тизимлари, вокзал ва аэропорт кабилар киради.

Корхоналар ёки микродаражадаги инфратузилмалар эса маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида қатъий зарур ва шарт ҳисобланган, айти пайтда ўз кучи ва имконияти билан барпо этиш жуда ҳам қиммат бўлган, шунинг учун ҳам давлат ва бошқа ихтисослашган корхоналар томонидан ташкил этиладиган хизмат ва иншоотларни ўз ичига олади. Уларга сув таъминоти, электро-энергия, ишлаб чиқариш чиқиндиларини ташиб чиқариш, юк қатнови, илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкция ишлари, банк ва молия хизматлари ва бошқалар киритилади<sup>3</sup>.

Худди ғарб иқтисодий тадқиқотчилик тизимида бўлгани каби, яқин хориж, жумладан, россиялик бир қатор олимлар илмий ишларида ҳам, қолаверса, миллий тадқиқотчиликда ҳам инфратузилмаларга ягона, умумий фикрдаги қараш мавжуд эмас. Жумладан, айрим россиялик олимларнинг фикрича, инфратузилмалар – бу ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларининг ёрдамчи, кўмаклашувчи тармоқларидир<sup>4</sup>.

Рус олими И.Ф.Чернявский эса инфратузилмаларга тавсиф беришда бир мунча мураккаб позицияни қўллайди ва мазкур соҳа “имиджи”га юқори баҳо беради. Унинг фикрича, “Инфратузилмалар бу йўллар, каналлар, сув иншоотлари, портлар, кўприклар, аэропорт ва вокзаллар, омбор ва электр таъминоти хўжаликлари, алоқа, сув таъминоти ва канализация, таълим, фан хўжалиги, соғлиқни сақлаш кабиларни барпо этиш, ташкиллаш, фаолиятини йўлга қўйиш орқали саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига хизмат кўрсатувчи халқ хўжалиги мустақил тармоқлари мажмуасидир”<sup>5</sup>

---

<sup>3</sup> Макконнел Кэмпбелл Р., Брю Стэнли Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. В 2 т.: Пер. с англ. 11-го изд. Т.2 – М., Республика, 1992. - 400с.

<sup>4</sup> Гукова А.В. Производственная инфраструктура в экономике региона. – М., “Экономика”, 2001 г. - 235 с.

<sup>5</sup> Чернявский И.Ф. Инфраструктура сельскохозяйственного производства: (Вопросы, теории и практики). – М., Экономика, 1979. – 232 с.

Бу каби таърифлар инфратузилмаларнинг унга берилган барча тавсифлар учун умумий бўлган моҳиятан асосий бош объектга хизмат кўрсатувчи ёрдамчи фаолият тури сифатидаги ролига асосланади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, инфратузилмаларга берилаётган тавсифларнинг хилма-хиллик кўп ҳолларда тадқиқ этилаётган объект ёки фаолият соҳасининг етакчилигини таъминлашга бўлган мойиллик таъсирига учрайди. Яъни, айрим тадқиқот ишларида моддий ишлаб чиқариш секторини ўрганилиш жараёнида уларда кечадиган муносабатлардаги инфратузилмаларнинг ўрни тадқиқ этилади ва бунда табиийки, инфратузилмалар тармоқоти (ёки кўмакчи ) соҳа сифатида баҳоланади.

Айрим тадқиқотчилар эса гарчи инфратузилмаларнинг ўзини ёки унинг муайян бир йўналишини ўргансаларда, кўп ҳолларда уни ё қандайдир ҳудуд, минтақа даражасига, ё иқтисодий давр ичига ёки муносабатлар тизими даражасига боғлайдилар. Бу эса яна юқорида таъкидланган ҳолатни, инфратузилмаларнинг давлат иқтисодий сиёсати эътибори қаратилган ёки иқтисодий муносабатлар амал қиладиган объект ёхуд шундай элементлардан бири сифатида баҳоланишига сабаб бўлади.

Инфратузилмалар тизимидаги ишлаб чиқариш муносабатлари хизматлар кўрсатиш ва ишлар бажариш кўринишида намоён бўлади. Шунга кўра, юқорида таъкидланганидек, хизмат кўрсатиш иқтисодий фаолиятнинг муҳим кўриниши ҳисобланиб, у маҳсулот ишлаб чиқариш тушунчасидан фарқли ўлароқ, хизмат кўрсатишда сарфланаётган меҳнат ишлаб чиқариш жараёнининг ўзида тўғридан-тўғри сотилади. Бу ўз навбатида тизимда иқтисодий фаолиятни ташкил этишни бир мунча соддалаштиради ҳамда арзонлаштиради. Тизимда катта қийматдаги асосий ва айланма маблағларга эҳтиёж сезилмайди.

Хизмат кўрсатиш тушунчасини иқтисодий нуқтаи-назардан ифодалашда, ушбу фаолиятнинг натижасини товар сифатида тасаввур қиламиз. Хизмат кўрсатиш фаолияти натижасида истеъмолчиларнинг шахсий ва умумий эҳтиёжлари қондирилади. Аввало бу ерда эҳтиёжни қондириш деганда истеъмолчининг жисмоний, иқтисодий, маънавий ҳолатини

Ўзгартириш тушунилади, яъни, хизмат кўрсатиш фаолияти давомида ёки унинг натижасида ишлаб чиқарувчи истеъмолчининг жисмоний ва маънавий ҳолатини, кайфиятини ўзгартиради.

Шу билан бирга спорт билан шуғулланиш ҳамда физиологик эҳтиёжларни қондиришга қаратилган фаолият хизмат кўрсатишга кирмайди. Чунки, бу иккала ҳолда асосий меҳнат истеъмолчининг ўзидан талаб қилинади. Бу иккала ҳол учун истеъмолчи ҳеч қандай қиймат сотиб олмайди, балки, ўз меҳнатини ўзи учун, ўзининг жисмоний баркамоллигини, нормал физиологик ҳолатини таъминлаш учун сарфлайди.

Хизмат кўрсатиш тизими халқаро амалиётда қуйидагича таснифланади:

1. Коммунал хизматлар ва қурилиш;
2. Улгуржи ва чакана савдо, овқатланиш, ресторан ва меҳмонхона, туризм;
3. Ташиш, сақлаш, алоқа, молиявий воситачилик;
4. Мудофаа ҳамда мажбурий ижтимоий хизматлар;
5. Таълим, фан, соғлиқни сақлаш, жамоат ишлари ва бошқалар.

Шу билан бирга, хизмат кўрсатиш тизимининг ўзига хос мураккаблик томонлари ҳам мавжуд. Шунга кўра инфратузилмалар тизимларининг қуйидаги ўзига хос жиҳатларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- кўрсатилган хизмат турларининг ҳақиқий қийматини, баҳосини аниқлашнинг мураккаблиги. Бу айниқса, транспорт, омбор, реализация, юклаш-тушириш, ўраш ва бошқа ишлаб чиқаришга ёрдамчи тизимларда яққол кўринади. Уларда кўрсатилган меҳнат қиймати ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг пировард қиймати ёки баҳосида шаклланган бўлади.

- кўрсатилган хизматга мулкӣ эгалик алмашинуви жараёнининг мураккаблиги. Маълумки, ҳар қандай пулга айрибошланадиган товар ўз мулкӣ эгалигини ҳам алмаштира олади. Ёки бошқача қилиб айтганда, товар сотилиши жараёнида унинг эгаси ҳам алмашинади. Лекин, хизмат кўрсатиш фаолиятида бу жараёни кузатиш, ажратиш анча қийин кечади. Чунки, кўрсатилган хизмат моддий иқтисодий объект сифатида шаклланмайди. Қолаверса, юқорида таъкидланганидек, кўп ҳолларда сарфланаётган меҳнат

шу жараённинг ўзида тўғридан-тўғри истеъмол қилинади. Шунинг учун ҳам, кўрсатилган хизматга мулкӣ эгалик асосий ишлаб чиқариш натижасида шаклланган маҳсулотга эгалик ҳуқуқи остида бир субъектдан иккинчи субъектга ўтади.

- хизмат кўрсатишда стандартлаш жараёнларини қўллаб бўлмаслиги. Хизмат кўрсатишнинг номоддий характерда эканлиги сабаб, ушбу фаолиятни стандартлаш, метрологик жараёнларни қўллаб бўлмайди. Албатта, меҳнатни нормалаштириш мумкин. Лекин, бу асосан меҳнат ва унга ҳақ тўлаш мақсадида амалга оширилади ва меҳнат унумдорлигини назарда тутаяди.

Хизмат кўрсатиш тизимида таълим соҳасида давлат таълим стандартлари қўлланилади. Бу стандартлаш бевосита таълим бериш, ўқитиш жараёнини эмас, балки, пировардида тайёрланган кадрларнинг билим ва малака даражасини кўзда тутаяди.

- сифатнинг доимий ўзгарувчанлиги. Маълумки, хизмат кўрсатиш фаолияти характерида кўп ҳолларда индивидуалликка мойиллик мавжуд. Бу эса бир жиҳатдан хизмат кўрсатиш сифатининг доимий ўзгарувчанликка асосланишига олиб келса, иккинчидан, хизмат кўрсатишда саноат каби автоматизация жараёнларини қўллашга имкон бермайди. Буни оддий маиший хизматдан то транспортгача кузатиш мумкин.

- кўрсатилаётган хизматларни сақлашнинг имкони йўқлиги. Бу жиҳат тўғри маънода яққол тушунарли, яъни, кўрсатилган хизматни фақат у кўрсатилаётган пайтдагина ҳисобга олиш мумкин. Қолаверса, масаланинг иккинчи жиҳати, яъни товар захирасининг мавжудлиги (албатта, чегараланган даражада) истеъмол бозорида фаолият кўрсатаётган корхона учун катта аҳамиятга эга. Лекин хизмат кўрсатиш бозорида меҳмонхонада битта номернинг бўш қолиши, битта ортиқча, захира сартарошни ушлаб туриш, захира транспорт воситаси сақлашни ижобий характерга эга деб бўлмайди.

Инфратузилма бўлинмалари ривожланиб боришидан кичик тадбиркорлик субъектлари катта манфаат кўради, негаки бундай бўлинмалар

уларни ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ишлардан озод этиб, куч-ғайратини асосий фаолиятига қаратишга имкон яратади.

Инфратузилма томонидан яратиладиган шароитларни ўз навбатида қуйидагича туркумлаш мумкин:

- Бевосита ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатувчи – моддий техника таъминоти ва тайёр маҳсулотни сотиш, ахборотни йиғиш ва қайта ишлаш, бухгалтерия хизмати. Технологик, бошқарув масалалари бўйича маслаҳат хизмати ва бошқалар;

- Ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш шарт-шароитлари – ишчи ва хизматчиларнинг соғлиғини, таълим олиши ва касбий тайёргарлигини, дам олишларини қўллаб-қувватлаш.

Шу пайтга қадар инфратузилмани ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмалар йиғиндисидан иборат деб қараб келинган. Бозор иқтисодиётига асосланган иқтисодий тизим кириб келиши билан ишлаб чиқариш инфратузилмаси кўлами кенгайиб, “бозор инфратузилмаси” ва “институционал инфратузилма” сўзлари истеъмолга кириб бормоқда.

Бозор инфратузилмаси бевосита ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатувчи тармоқларни ўз ичига олади. Унинг таркибига юк транспорти, электр, газ ва сув таъминоти, омбор хўжалиги, алоқа, ахборот, моддий-техника таъминоти, маҳсулотни ташиш, сақлаш ва қайта ишлаш, техник хизмат кўрсатиш, маркетинг ва реклама, ахборот-маслаҳат, аудиторлик, молия-кредит ва инвестицион каби хизмат турлари киради.

Ижтимоий инфратузилма ишлаб чиқариш жараёнида ишчи ва хизматчиларга нормал меҳнат фаолияти яратиш ва ишчи кучини такрор ҳосил қилиш, шунингдек, тадбиркорларнинг турли маиший хизмат турларига бўлган талабини қондириш учун хизмат қилади.

Институционал инфратузилма иқтисодиёт ривожланишининг оптимал макроиқтисодий нисбатларини қўллаб-қувватловчи ва тартибга солувчи соҳалар фаолият турларини ўз ичига олади. Унга иқтисодиётни тартибга солиб турувчи давлат ва нодавлат бошқарув органлари ва бошқалар киради (1.1.1-чизма).



1.1.1-чизма. Тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар тизими

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини тартибга солиб ва қўллаб-қувватловчи бозор инфратузилмаларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Буни юқори даражада ривожланган мамлакатлар тажрибаси ҳам тасдиқлайди.

## **1.2 Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришнинг асосий вазифалари**

Республикамиз Президенти И.А. Каримов Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари номли асарларида 2009 йилдаги яна бир энг муҳим устувор вазифа -бу мамлакатимизни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг

муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантиришдан иборат эканлигини белгилаб бердилар.

Мазкур устувор вазифага алоҳида эътибор қаратишнинг бир қатор сабаблари мавжуд. Жумладан:

Биринчидан, инфратузилмани ривожлантириш янги корхоналарни жойлаштириш ва бутун иқтисодиётни тараққий эттириш учун зарур қулай шарт-шароитлар яратади, мамлакатимизнинг бой минерал-хомашё ресурсларини ўзлаштириш имкониятларини кенгайтиради.

Иккинчидан, ишлаб чиқариш инфратузилмаси, авваламбор, автомобиль ва темир йўлларнинг ривожланган тизими, уларнинг самарали фаолияти ишлаб чиқаришдаги умумий харажатларни камайтиришнинг муҳим шarti ва омилидир. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва бутун иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини оширади.

Учинчидан, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аҳолини тоза ичимлик суви, энергия билан таъминлаш, ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш, пировард натижада аҳолининг турмуш даражасини оширишга хизмат қилади.

Тўртинчидан, инфратузилмани ривожлантириш кўп меҳнат талаб қиладиган кенг кўламли соҳа ҳисобланади. Бу янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини ошириш имконини беради.

Бундан кўринадики, мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, иқтисодиётнинг реал секторини янада ривожлантириш кўп жиҳатдан хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш инфратузилмаси билан таъминланганлик даражасига боғлиқ.

Замонавий ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантиришни таъминлаш, шу асосда иқтисодиётни изчил ва барқарор юксалтириш учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида «2009 йилда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» махсус дастур қабул қилинди ва унинг бажарилиши кескин назоратга олинди.

2008 йилда республикамызда ишлаб чиқариш инфратузилмаси асосий турлари бўйича хизмат кўрсатишни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши натижасида унинг юқори ҳажмларига эришилди (1.1.1-жадвал). Ҳозирги кунда Республикамызда транспорт инфратузилмасини, биринчи навбатда автомобиль ва темир йўллари ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2007-2010 йилларда умумий фойдаланишда бўлган автомобиль йўллари ривожлантириш дастурининг амалга оширилиши бугунги кунда республикамызнинг барча минтақалари ўртасида йил давомида ишончли транспорт алоқасини таъминламоқда.

Транспорт ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилган маблағлар инвестициялар умумий ҳажмида муҳим ўрин эгаллади. Ўтган йилнинг ўзида фақат автомобил йўллари қуриш ва реконструкция қилиш учун 378 миллион долларга тенг бўлган маблағ ўзлаштирилди ва бу 2009 йилга қараганда 31,5 фоиз кўп демакдир. Шунинг ҳисобидан мамлакатимизда 270 километрлик замонавий автомобил йўли фойдаланишга топширилди. Ўзбекистон миллий автомагистрали лойиҳаси таркибига қирадиган цемент-бетон қопламали 222 километрлик автомобил йўлини қуриш ва реконструкция қилиш учун Осиё тараққиёт банки билан 600 миллион доллар миқдорида кредит маблағларини жалб қилиш тўғрисида шартнома имзоланди. 2010 йилда халқаро транспорт логистика марказларини ривожлантиришга доир ишлар давом эттирилди. Навоий шаҳридаги аэропортда фойдаланишга топширилган “Навоий” халқаро интермодал логистика марказининг юк терминали орқали 50,1 минг тонна ёки 2009 йилга қараганда 3 баробар кўп юк ташилди. Ангрен шаҳридаги Халқаро логистика маркази томонидан 4 миллион тоннадан ортиқ юк ташиш амалга оширилди, мамлакатимиз минтақалари ва Фарғона водийси вилоятлари ўртасида йил давомида узлуксиз автотранспорт қатнови таъминланди.

Жумладан, ўтган йил давомида 1108,0 млрд. сўмлик темир йўл транспорти хизматлари, 397,2 млрд. сўмлик автомобиль йўллари қуриш ва реконструкциялаш ишлари, 1375,0 млрд. сўмлик алоқа хизматлари, 1786,1

млрд. сўмлик электр энергияси таъминоти хизматлари кўрсатилди. Бунинг натижасида мамлакатимиздаги корхона ва ташкилотлар ишлаб чиқариш фаолиятининг ривожини ва узлуксизлигини таъминланди.

#### 1.2.1-жадвал

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқларида хизмат кўрсатиш ҳажми,  
млрд. сўм

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқлари	2008 йил	2009 йил	Ўсиш суръати, %
Темир йўл транспорти	1108,0	1390,0	125,5
Автомобиль йўллари қуриш ва реконструкциялаш	397,2	531,5	133,8
шу жумладан:			
халқаро аҳамиятдаги	175,9	251,9	143,2
давлат аҳамиятидаги	95,0	143,6	151,2
маҳаллий аҳамиятдаги	23,9	25,0	104,4
Алоқа	1375,0	1596,4	116,1
шу жумладан:			
симли алоқа	264,0	304,9	115,5
уяли алоқа	952,0	1104,7	116,0
Электр энергияси таъминоти	1786,1	1820,1	101,9

Иқтисодиёт реал секторининг жадал ўсиши ишлаб чиқариш инфратузилмаси хизматларига бўлган эҳтиёжнинг тўхтовсиз равишда ўсишига олиб келмоқда. Шунга кўра, жадвалдан кўринадиким, 2009 йилда ушбу тармоқлар хизмат кўрсатиш ҳажмини аҳамиятли даражада, жумладан, автомобиль йўллари қуриш ва реконструкциялаш ҳажмини 133,8% га, темир йўл транспорти хизматлари ҳажмини 125,5% га, алоқа хизматлари ҳажмини 116,1%га ошган.


Бироқ, таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқариш инфратузилмаси хизмат кўрсатиш ҳажмини бундай суръатларда ўстиришга мавжуд базалар асосида эришиб бўлмайди. Шу сабабли 2008 йилда ишлаб чиқариш инфратузилмаси базаларини янгилаш борасида аҳамиятли ишлар амалга оширилди (1.1.2-жадвал).

## Ишлаб чиқариш инфратузилмаси базаларини янгилаш бўйича ишлар ҳажми

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқлари	Ўлчов бирлиги	2008 йил	2009 йил	Ўсиш суръати, %
Темир йўллارни модернизациялаш ва реконструкциялаш	км	220	280	127,3
Темир йўл участкаларини электрлаштириш	км	28	86	307,1
Темир йўл локомотивларини янгилаш	бирлик	18	20	111,1
Юк вагонлари паркинни янгилаш	бирлик	1543	1723	111,7
Йўловчи ташиш вагонлари паркинни янгилаш	бирлик	8	8	100,0
Темир йўл кўприklarини қуриш	бирлик	4	3	75,0
Темир йўл вокзалларини қуриш ва модернизациялаш	бирлик	2	2	100,0
Темир йўл разъездлари ва корхонага кириш йўлларини қуриш	бирлик	4	5	125,0
Автомобиль йўллари қуриш ва реконструкциялаш	км	1728	1634	94,6
шу жумладан:				
халқаро аҳамиятдаги	км	472	518	109,7
давлат аҳамиятидаги	км	764	619	81,0
маҳаллий аҳамиятдаги	км	492	497	101,0
Кўприklar қуриш	бирлик	28	34	121,4
	п/м	2211	2962	134,0
Толали-оптик линияларни ётқизиш	км	535	70	13,1
Уяли алоқа узатувчи станцияларни ўрнатиш	дона	1697	500	29,5
35 Кв дан катта юқори вольтли линияларни қуриш	км	232,3	427,9	184,2
6-10 Кв юқори вольтли линияларни қуриш	км	250	149,7	59,9

Жадвалдан кўринадикки, 2009 йилда темир йўл участкаларини электрлаштиришни 3 баравардан кўпроқ, темир йўллارни модернизациялаш ва реконструкциялашни 127,3%, темир йўл разъездлари ва корхонага кириш йўллари қуришни 125%, кўприklar қуришни 121,4%, юқори вольтли линияларни қуришни 184,2% га ўстириш кўзда тутилмоқда.

## Республика автомобиль йўллари тармоғи таркиби, км




1.2.1-чизма.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси таркибида автомобиль йўллари тармоғи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда мазкур тармоқнинг умумий узунлиги 183,6 минг километрни ташкил этиб, шундан 23,2% умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини, 36,6% хўжаликлараро қишлоқ йўлларини, 33,6% қишлоқ ва шаҳар кўчаларини, 3% корхоналарга қарашли йўлларни, 3,6% турли идораларга қарашли йўлларни ташкил этади (1.2.1-чизма).

2008 йилда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида қуриш ва таъмирлаш бўйича аҳамиятли ишлар амалга оширилди (1.2.2-чизма). Жумладан, жами 288,6 млрд. сўмлик (ўтган йилга нисбатан 133% кўп) ишлар бажарилди. Инвестиция дастури бўйича 111,4 млрд. сўм (128%), мукамал ва ўрта таъмирлаш бўйича 113,5 млрд. сўм (124%), жорий таъмирлаш бўйича 53,9 млрд. сўм (131%), йўл таъмирлаш техникалари ва жиҳозлар харид қилиш бўйича 9,8 млрд. сўм (4 баравар ортиқ) ҳажмда ишлар амалга оширилди.

Шунингдек, 2008 йилда хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини таъмирлаш бўйича 12671 млн. сўмлик, шу жумладан, капитал таъмирлаш бўйича 1371 млн. сўмлик, ўрта таъмирлаш бўйича 4617 млн. сўмлик, жорий таъмирлаш бўйича 6683 млн. сўмлик иш бажарилди. Бунинг натижасида 4702 минг кв.м ҳажмдаги йўл тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида қуриш ва таъмирлаш кўрсаткичлари



1.2.3-чизма.

2009 йилда янада ишончли транспорт хизмати кўрсатиш учун қабул қилинган қўшимча чора-тадбирлар билан бир қаторда халқаро аҳамиятга молик умумий фойдаланишда бўлган 400 километрдан ортиқ автомобиль йўлини модернизация қилиш кўзда тутилмоқда.

Жумладан, Бейнов – Бухоро – Самарқанд – Тошкент – Андижон йўналиши бўйича 4 қаторли халқаро автомобиль йўлини, шунингдек, Бухоро – Олот ва Самарқанд – Ғузор йўлларининг стратегик участкаларини қуриш мўлжалланмоқда (1.2.3-жадвал).

1.2.3-жадвал

Ўзбек миллий автомагистрالي тармоғи таркибига кирувчи автомобиль йўллари

Ўзбек миллий автомгистрالي йўналишлари ва унинг таркибига кирувчи автомобиль йўллари номи	Умумий узунлиги, км	4 қаторли қисмлар узунлиги, км	2 қаторли қисмлар узунлиги, км
Бейнеу-Қўнғирот-Бухоро-Навоий-Самарқанд-Тошкент-Андижон	2047	908	1139
Бейнеу-Қўнғирот	328	-	328
Қўнғирот-Нукус	111	16	95
Нукус-Бухоро	540	3	537
Бухоро ш.ни айланиб ўтиш	5	-	5
Бухоро-Навоий	107	107	-
Навоий-Самарқанд	169	169	-

Самарқанд-Тошкент	308	308	-
Тошкент-Андижон	387	305	82
Гулистон-Оҳангарон	92	-	92
<b>Бухоро-Олот</b>	<b>98</b>	<b>83</b>	<b>15</b>
<b>Бухоро-Қарши-Ғузор-Термиз</b>	<b>436</b>	<b>241</b>	<b>195</b>
Бухоро-Қарши	177	177	-
Қарши-Ғузор	48	48	-
Ғузор-Термиз	211	16	195
<b>Самарқанд-Ғузор</b>	<b>174</b>	<b>22</b>	<b>152</b>
<b>Жами:</b>	<b>2755</b>	<b>1254</b>	<b>1501</b>

Транспорт ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилган маблағлар инвестициялар умумий ҳажмида муҳим ўрин эгаллади. Ўтган йилнинг ўзида фақат автомобил йўллари қуриш ва реконструкция қилиш учун 378 миллион долларга тенг бўлган маблағ ўзлаштирилди ва бу 2009 йилга қараганда 31,5 фоиз кўп демакдир. Шунинг ҳисобидан мамлакатимизда 270 километрлик замонавий автомобил йўли фойдаланишга топширилди. Ўзбекистон миллий автомагистрალი лойиҳаси таркибига қирадиган семент-бетон қопламали 222 километрлик автомобил йўлини қуриш ва реконструкция қилиш учун Осиё тараққиёт банки билан 600 миллион доллар миқдорда кредит маблағларини жалб қилиш тўғрисида шартнома имзоланди. 2010 йилда халқаро транспорт логистика марказларини ривожлантиришга доир ишлар давом эттирилди. Навоий шаҳридаги аэропортда фойдаланишга топширилган “Навоий” халқаро интермодал логистика марказининг юк терминали орали 50,1 минг тонна ёки 2009 йилга қараганда 3 баробар кўп юк ташилди. Ангрен шаҳридаги Халқаро логистика маркази томонидан 4 миллион тоннадан ортиқ юк ташиш амалга оширилди, мамлакатимиз минтақалари ва Фарғона водийси вилоятлари ўртасида йил давомида узлуксиз автотранспорт қатнови таъминланди.<sup>6</sup>


<sup>6</sup> Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади //2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. – Т.: “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил, 22 январь

### 1.3. Ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш орқали аҳоли фаровонлигини ошириш

Аҳоли турмуш даражасини ошириш ва фаровонлигини юксалтиришда ижтимоий инфратузилма хизматларининг роли беқиёсдир. Шунга кўра, мамлакатимизда ушбу соҳани ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Кейинги йилларда республикаимизда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш борасида аҳамиятли ютуқ ва муваффақиятларга эришилмоқда.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасида 2007 йилда 6964,5 минг кв.м ҳажмдаги уй-жой фойдаланишга топширилган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 7239,8 минг кв.м га етди (1.3.1-чизма).

Фойдаланишга топширилган уй-жой умумий майдони, млн. кв.м



1.3.1-чизма

Аҳоли турмуш фаровонлигини оширишнинг муҳим кўрсаткичларидан бири сифатида уй-жойларни қуриш ва фойдаланишга топшириш ишларининг жадаллашуви натижасида йиллар давомида умумий уй-жой фонди ҳажми ошиб бормоқда. 2002 йилда уй-жой фонди 360,9 млн. кв.м дан иборат бўлса, 2006 йилга келиб бу кўрсаткич 386,9 млн. кв.м га, ўртача ҳар бир яшовчига ҳисоблаганда эса 14,3 кв.м дан 14,6 кв.м га қадар ошган.

“Ўтган йили қишлоқ жойларда биз 2009 йилда бошлаган, қулай ва барча коммунал хизмат шароитларига ега бўлган якка тартибдаги турар-жой массивларини комплекс қуриш ишлари эътиборимиз марказида бўлгани барчамизга маълум. Айниқса, якка тартибда қурилаётган уй-жойлар лойиҳаларининг қулайлик нуқтаи назаридан бошқатдан кўриб чиқилиб, ажратиладиган ер участкалари ҳажмини тўрт сотих ўрнига олти сотих қилиб белгилаш тўғрисида қабул қилинган қарорлар алоҳида аҳамият касб этди. Натижада 2010 йили мамлакатимизнинг барча 159 та қишлоқ туманида намунавий лойиҳалар бўйича тайёр ҳолда топшириш шарти билан 6 минг 800 та уй-жой барпо этилди. Ушбу мақсадларга қарийб 430 миллиард сўм миқдоридаги капитал қўйилмалар, жумладан, 250 миллиард сўмдан ортиқ узоқ муддатли имтиёзли кредитлар йўналтирилди. Бу маблағ 2009 йилга нисбатан 9 баробар кўпдир.

Дастурни амалга ошириш бошланганидан буён янги массивларда қишлоқ аҳолисининг қулай ва муносиб яшаши учун зарур бўлган 165 та ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объекти барпо этилди. Айни пайтда янгитдан қурилаётган турар-жой массивларида замонавий турдаги муҳандислик-коммуникация тармоқлари ҳам жадал бунёд қилинмоқда. 103 километрдан ортиқ газ, қарийб 100 километрлик сув тармоқлари, 71 километрдан зиёд электр узатиш линиялари, шунингдек, умумий узунлиги 85 километр бўлган ички йўллар қурилди. Ичимлик суви, электр ва газ таъминоти, шунингдек, аҳоли пунктларининг санитария аҳволини яхшилаш бўйича янги коммунал инфратузилма тармоқлари ва объектларини қуриш, модернизация ҳамда реконструкция қилиш ишлари тизимли асосда олиб борилмоқда”<sup>7</sup>.

Айни пайтда, шуни ҳам эътиборда тутиш лозимки, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг юксалиши билан уй-жой фонди билан таъминланганликнинг

---

<sup>7</sup> Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади //2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. – Т.: “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил, 22 январь

Ўзи аҳоли фаровонлиги даражаси тўғрисида етарли тасаввур бера олмайди. Бу ўринда уй-жой фондини ободонлаштириш даражаси, яъни, уй-жой фондининг умумий ҳажмида водопровод, канализация, марказий иситиш воситалари, ванна, табиий газ, иссиқ сув таъминоти кабилар билан жиҳозланган уй-жой майдони улуши аҳамиятли роль ўйнайди.

Уй-жойларни капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш бўйича пудрат ишлари кўламини кенгайтириш, аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш мақсадида шаҳар ва туманларда турар-жой фонди объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва уларнинг дизайни бўйича ишларни тугал ҳолда, яъни калити билан топшириш шарти асосида фаолият олиб борадиган ихтисослашган хусусий таъмирлаш-қурилиш ташкилотларини тузиш назарда тутилган.

Шу мақсадда турар-жой фондини, унинг идоравий мансублигидан қатъи назар, фойдаланилмаётган авария ҳолатидаги ва эскирган уй-жойларни, кўпқаватли уйлардаги бўш турган хоналарни, жумладан, ётоқхона ва қурилиши тугалланмаган объектларни аниқлаш учун тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш керак. Аниқланган ҳолатлар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш, бунда мазкур биноларни маҳаллий ҳокимият идоралари тасарруфига беришни кўзда тутиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича конкрет дастурлар ишлаб чиқиш керак. Ушбу дастурларнинг амалга оширилиши пудрат ишларини бажариш учун кўшимча равишда ўн минглаб ишчиларни жалб қилиш, одамларимизнинг уй-жой шароитларини сезиларли даражада яхшилаш имконини беради.

Ижтимоий инфратузилма объектлари тўғрисида сўз борганда аҳолининг саломатлигини бевосита тикловчи ва таъминловчи муассасалар – касалхоналар, санатория ва дам олиш муассасалари, пансионатлар, санатория-профилакториялар, дам олиш уйлари ва бошқаларни ривожлантириш муҳимлигини эътироф этиш лозим.

2010 йилда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш ва ушбу тизимда сифат ўзгаришларини амалга оширишни таъминлаш борасидаги ишлар давом эттирилди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда сифат жиҳатидан янги, энг юксак

талабларга жавоб берадиган ва республика ҳамда вилоятлар шошилинич тиббий ёрдам кўрсатиш марказларини ўз ичига олган тиббиёт муассасалари тармоғи шаклланди.

Барча вилоятлар марказларида катталар ва болалар учун кўп тармоқли тиббиёт марказлари, ҳар бир туманда энг замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган кишлоқ врачлик пунктлари фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу қишлоқ врачлик пунктларининг сони 2000 йилга нисбатан 2 баробар кўпайиб, 3 минг 200 тадан ошди. Сўнгги йилларда мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича юксак самарали замонавий тиббиёт муассасаларининг мустаҳкам тизими яратилгани шу йўлдаги муҳим қадам бўлди. Барча вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида скрининг марказлари ташкил этилди ва уларнинг фаолиятини таъминлаш учун 2010 йилнинг ўзида 4 миллион доллардан ортиқ маблағ йўналтирилди. 2010 йилда 116 минг нафардан зиёд бўлажак она скрининг марказларида тиббий кўрикдан ўтказилди. Шу билан бирга, перинатал марказлар тармоғи ҳам жадал ривожланмоқда. Ўтган ўн йил давомида юртимизда 11 та перинатал марказ ташкил этилди. 2010 йилда уларда 158 минг нафардан ортиқ, яъни 2000 йилга нисбатан 10 баробар кўп она ва бола тиббий кўрикдан ўтказилди.

Бунинг натижасида кейинги ўн йилда мамлакатимизда оналар ўлими коэффиценти 33,1 промилледан 19,7 промиллега, болалар ўлими коэффиценти эса 18,9 промилледан 10,1 промиллега тушди. Туғма ва ирсий касалликлар билан туғиладиган болалар сони қарийб икки баробар камайди. Шу йилларда аҳолининг юқумли касалликлар, жумладан, сил, гепатит каби оғир турдаги ва бошқа хасталикларга чалинишининг умумий даражаси анча пасайди. Бундай натижаларга эришишда шифокорлар ва тиббиёт ходимларининг меҳнатини моддий рағбатлантиришни кучайтириш, уларнинг касб тайёргарлиги даражасини ошириш, мамлакатимиз фармацевтика саноатини жадал ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳам муҳим омил бўлмоқда.

Биргина 2010 йилнинг ўзида 32 номдаги янги дори препаратларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди ва бу 2009 йилга қараганда 23 фоизга кўпдир.

2010 йилда стационар тиббиёт муассасаларида қўшимча равишда 1 минг 630 та ёки 2009 йилга нисбатан қарийб 2,5 марта кўп даволаниш ўринлари фойдаланишга топширилди. Ҳисобот даврида соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш учун жами 2 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди, бунинг 1 триллион 700 миллиард сўми бюджет маблағларидир.<sup>8</sup>

Ижтимоий соҳа объектлари қаторида таълим муассасаларининг ҳам аҳамияти катта. Мамлакатимизда таълим муассасаларини ривожлантириш, уларнинг мазмунини сифат жиҳатидан такомиллаштириш борасида аҳамиятли ишлар амалга оширилмоқда. Натижада 2005-2008 йиллар мобайнида мактабгача таълим муассасаларида 5-6 ёшдаги болаларни қамраб олиш кўрсаткичлари 19% дан 21,2% гача, шу жумладан шаҳар жойларида 36,2% дан 39,5% га, қишлоқ жойларида эса 11,3% дан 13,2% гача ошди.

2010 йилда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш, шунингдек, мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича дастурларни амалга ошириш якунига етказилди. Умуман олганда, 2005-2010 йиллар давомида 7 минг 800 дан ортиқ умумтаълим муассасаси, қарийб 1 минг 500 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицей барпо етилди ва реконструкция қилинди.

Фақат 2010 йилда мактаблар, касб-ҳунар коллежлари ва лицейларда 2 минг 300 тадан зиёд компютер техникаси ва мултимедиа ускунаси ўрнатилди. Униб-ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний жиҳатдан тарбиялаш ва болалар спортини ривожлантиришга қаратилган дастурни амалга ошириш бўйича ишлар изчил давом еттирилди.

Бунинг натижасида фақат 2010 йилнинг ўзида 72 та спорт иншооти, 27 та сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди, умумий қиймати 3 миллион АҚШ долларига тенг бўлган спорт инвентарлари ва ускуналар жойларга етказиб берилди. Бугунги кунда умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг

---

<sup>8</sup> Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади //2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. – Т.: “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил, 22 январь

хар уч нафаридан бири турли сексия ва тўғаракларда спорт билан мунтазам шуғулланмоқда.

Ўтган йилда фарзандларимизнинг ижодий қобилияти ва маънавиятини юксалтиришга қаратилган мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қабул қилинган дастурни амалга ошириш бошланди. Агар 2009 йилда олтита мусиқа ва санъат мактаби қурилган ва реконструкция қилинган бўлса, ҳисобот йилида 46 та ана шундай мактаб фойдаланишга топширилди. Уларнинг қурилишига 51 миллиард сўмдан ортиқ капитал маблағ йўналтирилди.

Энг муҳими, мамлакатимизда ижтимоий инфратузилма объектларини жадал ривожлантириш, аҳоли пунктларини ободонлаштиришни тубдан яхшилаш орқали қўшимча иш ўринларини яратиш масалалари кўзда тутилмоқда.

## **II БОБ. НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ БОРИШИ ВА ИЖТИМОЙ ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНИШИ**

### **2.1 Наманган вилоятида иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар**

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози чуқур тус олган бир шароитда Юртбошимизнинг ташаббуслари билан мамлакатда танланган иқтисодий тараққиёт моделининг ва унинг тамойиллари асосида ишлаб чиқилган, чуқур ва ҳар томонлама ўйланган мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг тадрижий дастури изчил амалга оширилганлиги натижасида Республикамизда бўлгани каби, Наманган вилояти иқтисодиёти тармоқларида ҳам барқарор ўсиш суръатлари кузатилмоқда.

Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаларини яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида 2010 якуни билан ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ўсиш суръати 2009 йилга нисбатан 12,4 фоизга, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 23,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги 6,5 фоиз, капитал қуйилмалар 3,9 фоиз, қурилиш ишлари 31,3 фоиз, чакана савдо айланмаси 20,0 фоиз ва пуллик хизматлар ҳажми 16,1 фоизга ўсиб, иқтисодий мутаносибликка эришилди.

ЯҲМдаги саноатнинг улуши 7,2 фоизни (2009 йилда 7,1%), қурилиш 7,1 фоизни (7,3%), қишлоқ хўжалиги 34,1 фоизни (33,8%), транспорт ва алоқа 8,1 фоизни (7,9%), бошқалар 35,2 фоизни (35,3%) ташкил этди. Шунингдек, кичик бизнеснинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 76,0 фоизга (72,4%) тўғри келди. (2.1.2-жадвал)

Вилоятда катъий пул кредит сиёсати юритилиб, инқирозга қарши кўрилган самарали чора-тадбирлар натижасида иқтисодиётимизда 2010 йилда юқори ўсиш суръатлари таъминланди. Аҳолининг реал даромадлари 126.0 фоизга ошди (аҳоли жон бошига 918.0 минг сўм), ўтган йилда инфляция даражаси 6.8 фоизни ташкил қилди, 2009 йилда 7.2 фоиз даражасида булиб, -0.4 пунктга камайди.

Вилоят иқтисодиётида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар реал сектор ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги ҳажмларнинг сезиларли ўсишига замин бўлмоқда.

Жумладан, 2010 йилнинг асосий иқтисодий кўрсаткичларини 2000 йил рақамларига таққосланганда, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари 12 мартага, истеъмол товарлари 9.2 мартага, хизматлар 13,5 мартага ортди.

Давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида вилоятнинг ташқи савдо айланмаси 222,4 млн.долларни ташкил этиб, шундан, 119,5 млн.долларлик маҳсулотларни экспортга чиқарилди ёки 2009 йилга нисбатан ўсиш 138,6 фоизни ташкил этиб, 16,4 млн.долларлик ижобий сальдога эришилди.

Шунингдек, ҳудудий экспортёр корхоналар томонидан ҳисобот даврида режалаштирилган 15,6 млн.доллар ўрнига 27,4 млн.доллар (ўсиш 110,6%) қийматида маҳсулот экспорт қилиниб, белгиланган режа 175,4 фоизга бажарилди.

Жумладан, «Наманган шарбати» қК (2,3 марта), «Тўрақўрғон ширинлик агро» МЧЖ (132,5 %), «Бахт-88» ХК (120,8 %), «Рау томъ» қК(108,4%), «Афруз Камол Наби» қК (1,6 марта), «Азия Агро Фрукт» МЧЖ(2,0 марта), «Ибратли сервис» МЧЖ (2,5 марта) ва «Трейдвелл интернейшнл» МЧЖ (3,7 марта) каби корхоналар томонидан маҳсулот ва хизматларни экспортга чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан кескин ортди.

Ялпи экспорт ҳажмида тайёр маҳсулотлар улуши 84,9 фоизни ташкил этиб, 2009 йилга нисбатан 2,1 пунктга кўпайишига эришилди.

Шу билан бирга, йирик саноат корхоналаридан 7 тасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми олдинги йилга нисбатан 16,5 млрд.сўмга пасайишига йўл қўйилди.

Вилоятда молиявий барқарорликни таъминлаш, тўлов интизоми ҳамда пул-кредит сиёсатини мустаҳкамлаш борасида қатор тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, 2010 йил январ-декабр ойлари якуни билан барча манбалар ҳисобидан 206,5 млрд.сўмлик кредитлар берилиб, бу кўрсаткич 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 1,2 мартага ўсди. Ажратилган кредитларнинг 148,7 млрд.сўми ёки 72,0 фоизи узоқ муддатли кредитдир.

Вилоятда 2010-2014 йилларга мўлжалланган бюджет дотациясини қисқартириш ҳудудий Дастурини ижросини таъминлаш мақсадида белгиланган чора-тадбирлар асосида иш олиб борилди. Натижада вилоятда 2010 йил давомида маҳаллий бюджет даромадлари 612,4 млрд.сўмни, бюджет харажатлари 612,4 млрд.сўмни ташкил этиб, белгиланган бюджет даромадлари прогнози бажарилди.

Дотация миқдори 156,6 млрд.сўмни, маҳаллий бюджет харажатидаги улуши эса 25,6 фоизни (2009 йилда 27,1% бўлган) ташкил этиб, прогнозга нисбатан 0,9 пунктга камайтиришга эришилди (прогноз 26,5%).

Дотация улуши асосан Янгиқўрғон (38,1%), Норин (36,4%), Чортоқ (35,1%), Мингбулоқ (35,0%) ва Косонсой (32,3%) туманлари ҳиссасига тўғри келди.

Шунингдек, маҳаллий бюджет олдидаги боқиманда қарзлар вилоят бўйича 26,5 млрд.сўмни ташкил этиб, 2009 йилга нисбатан 2,1 млрд.сўмга (92,5%) камайтирилган бўлсада, қарздорлик Наманган шаҳри (9,0 млрд.сўм), Учқўрғон (2,7 млрд.сўм), Уйчи (2,0 млрд.сўм), Поп (1,7 млрд.сўм), Тўрақўрғон (1,6 млрд.сўм) ва Норин (1,5 млрд.сўм) туманларида юқори бўлди.

Наманган вилоятида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида қабул қилинган дастурларнинг 2010 йилда бажарилиши

Шахар, туманлар	Хориж сармояси иштирокидаги корхоналарни тузиш, дона (РПШИИ)			Кичик бизнес корхоналарини тузиш, дона			Фермер хўжалиklarини тузиш, дона			шу жумладан:						Янги иш ўринларини яратиш		
										қайта ташкил этилган фермер хўжалиklари сони, дона			Тугатилган фермер хўжалиklари сони, дона					
	вазифа	ҳақиқатда	ижроси, %	вазифа	ҳақиқатда	ижроси, %	вазифа	ҳақиқатда	ижроси, %	вазифа	ҳақиқатда	ижроси, %	вазифа	ҳақиқатда	ижроси, %	вазифа	ҳақиқатда	ижроси, %
Вилоят бўйича:	-	3	-	1448	2470	170,6	7110	7110	100,0	7054	7054	100,0	56	56	100,0	71039	71159	100,2
Наманган ш	-	-	-	420	626	149,0	4	4	100,0	4	4	100,0				14586	14690	100,7
Мингбулоқ	-	-	-	104	127	122,1	810	810	100,0	809	809	100,0	1	1	100,0	4951	4956	100,1
Косонсой	-	-	-	73	158	216,4	538	538	100,0	520	520	100,0	18	18	100,0	5709	5720	100,2
Наманган	-	1	-	118	216	183,1	515	515	100,0	513	513	100,0	2	2	100,0	5263	5305	100,8
Норин	-	1	-	67	136	203,0	411	411	100,0	398	398	100,0	13	13	100,0	4733	4740	100,1
Поп	-	-	-	94	195	207,4	750	750	100,0	747	747	100,0	3	3	100,0	4989	4997	100,2
Тўрақўрғон	-	-	-	79	183	231,6	452	452	100,0	449	449	100,0	3	3	100,0	4775	4785	100,2
Уйчи	-	1	-	79	139	175,9	568	568	100,0	567	567	100,0	1	1	100,0	4736	4762	100,5
Учқўрғон	-	-	-	93	159	171,0	496	496	100,0	491	491	100,0	5	5	100,0	4401	4405	100,1
Чортоқ	-	-	-	100	217	217,0	826	826	100,0	826	826	100,0				4368	4253	97,4
Чуст	-	-	-	111	168	151,4	1118	1118	100,0	1109	1109	100,0	9	9	100,0	6669	6679	100,1
Янгиқўрғон	-	-	-	110	146	132,7	622	622	100,0	621	621	100,0	1	1	100,0	5859	5867	100,1

2010 йилнинг 1 декабр ҳолатига вилоят бўйича жами дебиторлик қарздорлик 130,0 млрд.сўмни ташкил этди. Муддати ўтган қарздорлик эса 2,0 млрд.сўмни ташкил этиб, йил бошига нисбатан 1,0 млрд.сўмга камайтиришга эришилди.

Жумладан, муддати ўтган дебитор қарзларни камайиши шу даврда Наманган шаҳри, Наманган, Мингбулоқ, Норин, Поп, Тўрақўрғон, Чортоқ ва Янгиқўрғон туманларида таъминланди (5,0-92,5%), Косонсой, Уйчи ва Учқўрғон туманларида мавжуд муддати ўтган қарздорликларни тўлиқ тугатилди.

2010 йилда муддати ўтган кредитор қарзлар вилоят бўйича 4,2 млрд.сўмни ташкил этиб, йил бошига нисбатан 1,3 млрд.сўмга қисқарди. Жумладан, Наманган шаҳри, Мингбулоқ, Косонсой, Наманган, Поп, Тўрақўрғон ва Учқўрғон туманларида қарздорликни камайтиришга ҳамда Уйчи, Янгиқўрғон туманларида тўлиқ тугатишга эришилди.

Хисобот даврида умумий кредитор қарздорлик 144,4 млрд.сўмни ташкил этиб, 2009 йилга нисбатан 55,3 млрд.сўмга (162,1%) ортди. Шунингдек, муддати ўтган кредитор қарздорлик Норин туманида 55,6 млн.сўмни ташкил этиб, йил бошига нисбатан 107,3 фоизга (туман "Машина трактор парки" (47,5 млн.сўм) ва "Матлубот улугуржи чакана сввдо" АЖ (8,1 млн.сўм) корхоналари ҳисобига, Чортоқ туманида 65,6 млн.сўм ёки 2 марта (туман "Йўл қурилиши ва йўлдан фойдаланиш" корхонаси ҳисобига) ва Чуст туманида 32,8 млн.сўм (туман "Машина трактор парки" (4,5 млн.сўм) ва "Рау-Томь" қ.к (28,2 млн.сўм) корхоналари ҳисобига) ўсган.

2010 йил 1 декабр ҳолатига 5 та корхона фаолиятини 1942,4 млн.сўм зарар билан якунлади. Зарар суммаси 2010 йилнинг 1 январ ҳолатига 291,2 млн.сўмга камайган бўлсада, зарар кўрган корхоналар сони 1 тага ортган.

Наманган шаҳридаги "Иссиқлик-манбаи" шаҳар бўлими корхонаси 920,5 млн.сўм (Корхона томонидан иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш режаси бажарилмаган. Натижада истеъмолчиларга 113 минг Гкал иссиқлик қуввати кам етказиб берилган. Электр ва газ таъминотидаги узилишлар

натижасида харажатлар ошиб кетган), "Биосервис" АЖ 92,4 млн.сўм (Туманларда биолобараториялар сонини кўпайиши натижасида корхона маҳсулотига талаб камайган ва 70 млн.сўмлик маҳсулот сотилмай колган. Натихада корхона 92,4 млн.сўмлик зарар кўрган.).

Наманган шаҳридаги "Иссиқлик-манбаи" шаҳар бўлими корхонаси 920,5 млн.сўм (Корхона томонидан иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш режаси бажарилмаган. Натихада истеъмолчиларга 113 минг Гкал иссиқлик куввати кам етказиб берилган. Электр ва газ таъминотидаги узилишлар натижасида харажатлар ошиб кетган), "Биосервис" АЖ 92,4 млн.сўм (Туманларда биолобараториялар сонини кўпайиши натижасида корхона маҳсулотига талаб камайган ва 70 млн.сўмлик маҳсулот сотилмай колган. Натихада корхона 92,4 млн.сўмлик зарар кўрган.), "Хаин-Текс" 22,4 млн.сўм ва "Нам текс" МЧЖ 897,6 млн.сўм (Корхоналарда эскирган жиҳозларини янгилаш, янги технологияларни жорий этиш билан боғлиқ ишларни амалга оширилганлиги сабабли корхоналар тўла кувват билан ишламаган) ва Поп туманидаги "Матлуботнурсавдо" МЧЖ 9,5 млн.сўм зарар кўрди. (Ажратилган ун ва ёғ маҳсулотларини ўз вақтида ололмаганлиги, дўконлар биноларини таъмирлаш ишлари олиб борилганлиги ҳамда кредит фоизларини ошиб кетганлиги натижасида).

## Наманган вилоятида ялпи ҳудудий маҳсулот яратилиши

№	Кўрсаткичлар	2009 йил январ-декабр				2010 йил январ-декабр			
		ҳажми, млрд.сўм	ўсиш суръати, %	структура, %	дефлятор %	ҳажми, млрд.сўм	ўсиш суръати, %	структура, %	дефлятор %
1	Ялпи ҳудудий маҳсулот	1863,4	109,9	100,0	117,0	2426,6	112,4	100,0	115,3
	<i>шу жумладан:</i>								
2	Саноат ишлаб чиқариш	131,5	107,6	7,1	115,3	173,8	119,0	7,2	115,7
3	Қурилиш	135,9	115,7	7,3	120,3	171,4	131,3	7,1	108,1
4	Қишлоқ хўжалиги	630,1	103,8	33,8	115,1	827,0	106,5	34,1	122,2
5	Транспорт ва алоқа	147,2	105,7	7,9	119,8	196,5	111,8	8,1	109,2
6	Савдо ва умумий овқатланиш	159,5	112,0	8,6	109,0	200,9	114,2	8,3	112,5
7	Солиқлар	134,6	112,9	7,2	102,5	130,2	115,7	5,4	102,2
8	Бошқалар	72,1	122,7	28,1	112,3	726,7	115,2	29,9	144,8
	<i>шу жумладан;</i>								
9	ЯХМ даги кичик бизнеснинг улуши	х	х	72,4	х	х	х	76,0	х
10	ЯХМ даги хизматлар улуши	х	х	44,6	х	х	х	46,3	х

Наманган вилоятида иқтисодий ислохотларни бориши ижтимоий иқтисодий ривожланишнинг асосий кўрсаткичлари  
Хажми-жорий баҳоларда, фоизлар солиштирма баҳоларда

№ т/р	Кўрсаткичлар номлари	Ўлчов бирлиги	2009 йил ҳақиқатда	2010 йил		2009 йилга нисбатан %да	2011 йил 1-чорак	
				прогноз	ҳақиқатда		прогноз	2010 й. 1-чоракка нисб.ўсиш суръати
1.1.	Ялпи ҳудудий маҳсулоти (ЯҲМ)	млрд.сўм	1863,4	2373,7	2426,6	112,4	361,3	107,4
	шу жумладан;							
	ЯҲМ даги кичик бизнеснинг улуши	%	72,4	72,9	76,0	х	73,3	х
	ЯҲМ даги хизматлар улуши	%	44,6	46,5	49,2	х	51,5	х
1.1.1.	Аҳоли жон бошига ЯММ	минг сўм	830,0	1033,3	1062,3	110,4	155,5	107,0
1.2.	Саноат маҳсулотлари ҳажми	млн.сўм	534531,2	670046,2	748671,4	123,7	182820,0	112,5
1.3.	Халк истеъмоли моллари ишлаб чиқариш	млн.сўм	329546,7	414520,0	441874,7	115,5	99706,0	110,5
1.4.	Кишлоқ хужалиги ялпи маҳсулоти	млн.сўм	909982,7	1075200,0	1162933,0	106,5	71535,7	105,0
1.5.	Капитал қуйилмалар ҳажми	млн.сўм	478242,4	473930,1	554002,2	103,9	89357,4	102,3
1.6.	Пудрат ишлари ҳажми	млн.сўм	236713,7	315588,0	340901,7	131,3	60937,3	109,0
1.7.	Чакана савдо айланмаси	млн.сўм	990799,2	1257400	1318801,6	120,0	385000	112,1
1.8.	Пуллик хизмат курсатиш ҳажми	млн.сўм	337247,4	433500	434017,0	116,1	126000	112,5
	шу жумладан, маиший хизмат ҳажми	млн.сўм	67788,4	85000	87726,7	122,5	25586,9	110,0
1.9.	Маҳаллий бюджет даромадлари	млн.сўм	482899,2	604881	612359,7	126,8	154374,9	127,6
1.10.	Маҳаллий бюджет харажатлари	млн.сўм	474999,8	604881,8	612359,6	128,9	154374,9	120,2
1.11.	2010 йил 1 декабр ҳолатига дебиторлик қарзи	млн.сўм	65936,5	х	130020,0	197,2	х	х
	Шу жумладан муддати ўтгани	млн.сўм	3144,4	х	2066,9	65,7	х	х
1.12.	2010 йил 1 декабр ҳолатига кредиторлик қарзи	млн.сўм	99035,1	х	144428,5	145,8	х	х
	Шу жумладан муддати ўтгани	млн.сўм	5281,4	х	4231,2	80,1	х	х
1.13.	Акционерлик жамиятлари сони (АЖ)	бирлик	90	х	89	98,9	89	100,0
1.13.2.	АЖ да ишчи-хизматчилар сони	минг киши	25,2	х	25,4	100,8	25,4	100,0
1.13.3.	АЖда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	млн.сўм	279624,4	335498,7	340531,2	121,8	85132,8	108,0

	хажми							
1.14.	Хусусийлаштирилган объектлар ва корхоналар сони	дона	3	х	11	3,6 м	х	х
	Транспорт:							
1.15.	Юк айланмаси	млн. т.км.	1025,4	985,3	1087,4	106,0	128,4	104,5
1.16.	Ўуловчи айланмаси	млн. йул/км	2965,4	30648,5	3323,4	112,1	518,0	103,5
1.17.	Ташишдан тушган фойда:							
1.17.1	Юкдан	млн. сўм	21965,9	22103,1	22103,1	100,6	4354,6	112,1
1.17.2.	Ўуловчилардан	млн. сўм	88780,1	92120,3	92120,3	103,8	26484,6	105,9
1.19.	Ташки савдо айланмаси	минг \$	185689,7	178800,0	222418,4	119,8	35000,0	102,2
1.19.1.	Экспорт	минг \$	86203,3	86300,0	119500,9	138,6	15500,0	102,7
1.19.2.	Импорт	минг \$	99486,4	92500,0	102917,5	103,4	19500,0	101,9
1.20.	Ўил охирига доимий яшовчи аҳоли сони	минг киши	2259,0	2297,3	2298,7	101,8	2324,0	102,5
1.21.	Меҳнатга лаёқатли аҳоли сони	минг киши	1285,3	1321,0	1322,0	102,9	1336,5	103,0
1.22.	Бандлик хизматидан рўйхатдан ўтган ишсизлар сони	минг киши	8,6	х	4,5	52,3	х	х
1.23.	Ўртача иш хаки	сўм	341189,0	х	467202,7	136,9	х	х

## **2.2 Наманган вилоятида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар таҳлили**

Вилоятда 2011 йилнинг 1 январ ҳолатига рўйхатдан ўтган саноат корхоналари сони 2316 тани ташкил этиб, шундан фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари сони 1918 тани ташкил этди. Рўйхатдан ўтган саноат корхоналар сони 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 118,2 фоизга ёки 345 тага кўпайди.

Вилоятда саноатнинг етакчи тармоқларидан енгил саноатда тўқимачилик, пахта тозалаш, пойабзал, мебел ишлаб чиқариш, озиқ-овқат ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш тармоқлари, машинасозлик ва метални қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоқларига қарашли корхоналар ривожланиб, саноат ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда салмоқли хиссаларини кўшиб келмоқда.

Жумладан, 2010 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмлари металлургия саноатида 1547,0 млн.сўмни (ўсиш суръати 172,8%), машинасозлик ва метални қайта ишлаш саноатида 58,7 млрд.сўмни (2,5 марта), ёғочни қайта ишлаш саноатида 17,8 млрд.сўмни (140,2%), қурилиш материаллари саноатида 31,5 млрд.сўмни (147,8%), енгил саноат тармоғида 333,2 млрд сўмни (119,0%), озиқ-овқат саноатида 204,4 млрд.сўмни (115,1%), дон маҳсулотлари саноатида 73,3 млрд.сўмни (111,2%), полиграфия саноати 1328,4 млн.сўмни (156,3%) ташкил этган ҳолда умумий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори салмоғи енгил саноат (44,5%) ва озиқ-овқат саноати (27,3%) тармоқлари ҳиссасига тўғри келди.

Вилоятда фаолият кўрсатаётган йирик корхоналар томонидан 79,7 млрд сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 116,1 фоизга ўсди. Йирик саноат корхоналарининг умумий ишлаб чиқаришдаги салмоғи 64,1 фоизни ташкил этиб, қолган қисми кичик (12,8%)

микрофирмалар (6,6%) уй хўжалиги ва якка тартибдаги хусусий тадбиркорлар ҳиссасига тўғри келди.

Шу билан бирга, йирик саноат корхоналаридан 7 тасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми олдинги йилга нисбатан 6,5 млрд.сўмга пасайган (2009 йилда 11 та бўлган).

Ишлаб чиқариш ҳажмини пасайтирган корхоналарнинг 3 таси Наманган шаҳрига тўғри келиб, “Намимпекстекстил” АЖда (65,4%) кўшимча қувватлардан фойдаланиш даражаси йўқлиги, “Кока Кола” ҚК (94,2%) ва “Муслим-Текс” ҚКларида (18,6%) хом-ашё таъминотидаги зузулишлар мавжудлиги ва маҳсулот харидорини йўқотганлиги ҳисобига, Наманган туманидаги “Наманганвино” АЖ (70,0%), “МРТ-Текстил” ХК (41,6%), Чуст туманидаги “Роу-Том” ҚК (87,2%) ва Янгиқўрғон туманидаги “Марвел Джус Ко” ҚК (85,0%) корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар корхона омборларида туриб қолиши ва маҳсулотларга харидорлар йўқлиги шунингдек, айланма маблағлар етишмаслиги оқибатида келиб чиққан.

Вилоятдаги йирик саноат корхоналарида ишлаб чиқилган кўшимча тадбирларга асосан жорий йил якуни билан электр энергия, хом-ашё ва материаллар сарфи нормаларини тушириш, транспорт харажатларини қисқартириш, бошқарув аппарати харажатларини камайтириш, маҳаллийлаштириш дастурига кириш орқали солиқ тўловларидан бўлган имтиёзлар, ишлаб чиқариш жараёнларини узлуксизлигини таъминлаш ва йўқотишларни камайтириш ҳисобига дастлабки маълумотларга кўра ушбу корхоналар томонидан 15,4 млрд.сўм иқтисод қилинмоқда.

Жумладан, “Учқурғондон” АЖда 608,3 млн.сўм, “Намангандон” АЖда 561,0 млн.сўм, “Попдонмахсулотлари” АЖда 127,5 млн.сўм, “Папфен” ҚКда 1377,0 млн.сўм, “Водий ипаги” МЧЖда 281,3 млн.сўм, “Наманганмаш” АЖда 22,8 млн.сўм, “Маш-Хим” МЧЖда 168,8 млн.сўм, “Мех-Маш” МЧЖда 7,5 млн. сўмлик маблағлар иқтисод қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 августдаги “2009-2012 йилларда Наманган вилоятида саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш Дастури тўғрисида”ги 232-сонли қарорига мувофиқ 2009-2012 йилларда вилоятда жами 129 та лойиҳаларни амалга ошириш белгиланган. 2010 йилнинг ўзида жами 56 та лойиҳаларни амалга оширилиши белгиланган бўлиб, режалаштирилган барча лойиҳалар амалга оширилди, ушбу лойиҳаларга 34,2 млрд сўм ва 9,1 млн доллар маблағ ўзлаштирилиб, қўшимча 2706 та янги иш ўринлари яратилди. Жумладан:

1. Ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишида 2010 йил якуни билан белгиланган 22 та лойиҳалар амалга оширилди, (шундан 13 таси модернизация, 9 та янги корхоналар ташкил этилди). Лойиҳаларни амалга оширишда жами 14,2 млрд.сўм маблағлар шундан 10,7 млрд.сўм ўз маблағи ва 3,5 млрд.сўм банк кредити ҳисобидан ўзлаштирилди ҳамда 694 та янги иш ўринлари яратилди.

(Ушбу йўналишда асосан аввалги йилларда вилоятда умуман ишлаб чиқарилмаган маҳсулот турларидан жорий йилда 2 тури яъни пайпоқ, бош кийимлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши режалаштирилган бўлиб, Норин туманида йилига 200,0 минг жуфт пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга “Собиров Улуғбек” хусусий корхонаси ишга туширилди ва йил якуни билан 150,0 минг жуфт пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Наманган туманида йилига 8,0 минг дона бош кийимлар ишлаб чиқариш қувватига эга “Малика холис сервис” хусусий корхонаси ишга туширилди.)

2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, уларни қайта ишлаш ва сақлаш бўйича ишлаётган қувватларни кенгайтириш ва янги қувватлар ташкил этиш бўйича 2010 йил якуни билан 19 та лойиҳалар амалга оширилди (шундан 5 таси модернизация, 14 та янги корхоналар ташкил этилди). Ушбу лойиҳалар бўйича 19,8 млрд.сўм шундан 12,2 млрд.сўм ўз маблағи ва 7,5 млрд.сўм банк кредити ҳисобидан маблағлар ўзлаштирилди ҳамда 607 та янги иш ўринлари ташкил этилди.

3. Қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш йўналишида 2010 йилда кўрсатилган маҳаллий минерал хом-ашё конларида 29,1 млн.дона пишган ғишт маҳсулотлари ҳамда 75 минг куб.мстр кум-шағал коришмаси ишлаб чиқарилди. Вилоятдаги 15 та минерал хом-ашё конларида 2009-2012 йилларда 20 та корхона фаолият кўрсатиши режалаштирилган бўлиб, 2011 йилнинг 1 январь ҳолатига ушбу корхоналардан 17 таси томонидан Минерал ресурслар ва давлат геология кўмитасидан “Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳукуки” учун лицензия олинди ва ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Минерал хом-ашё конларида геология қидирув ишларини ташкил қилиш бўйича 2009-2012 йиллар давомида 8 та минерал хом- ашё конларида 10 та корхона томонидан геология қидирув ишлари олиб бориш режалаштирилган. Хозирда 4 та конда геология қидирув ишларини олиб бориш бўйича 6 та корхоналар (“6-ХМКК” МЧЖ қошидаги “Чуст олтин тошлари” шўъба корхонаси, “Журъат келажак” МЧЖ, “Зебунисо Али” хусусий фирмаси, “Абдуманнон Сайфинисо она”, “Тохиржон Евро қурилиш савдо” МЧЖ, “Наманган темир бетон буюмлари заводи” МЧЖ) лицензия олгани ҳолда фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, Мингбулоқ туманидаги “Мингбулоқ қурилиш савдо” МЧЖ ҳамда Тўрақўрғон туманидаги “Мингбулоқ махсус техника” МЧЖлар томонидан лицензия олиш учун хужжатлар тўплами Минерал ресурслар ва давлат геология кўмитасига тақдим этилган ва тегишли вазирликлар томонидан кўриб чиқилмоқда. Қолган 2 та корхонада геология қидирув ишлари олиб бориш бўйича лицензия олиш учун хужжатлар тўплами тайёрланмоқда.

4. Ҳорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда янги лойиҳаларни ташкил этиш бўйича 2010 йил якуни билан 3 та лойиҳа (“МРТ Текстиль” ХК 2 та лойиҳаси ва “Тошбулоқтекс” ҚК) бўйича 7,2 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб қилинган ва 70 та янги иш ўринлари яратилган. Ўзлаштирилган инвестицияларнинг 6,4 млн. АҚШ доллари

тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва 0,8 млн. АҚШ доллари ўз маблағлари ҳисобига тўғри келмоқда.

Шу билан бирга, 2009-2012 йиллар давомида хорижий инвестициялар иштирокидаги янги корхоналар ташкил этиш топшириғига асосан 7 та янги корхоналар ташкил қилиш режалаштирилган бўлиб, 010 йил якуни билан 3 та лойиҳа амалга оширилди. Жумладан, Наманган шаҳридаги “Гулифарм” МЧЖ негизида инфузион эритма ишлаб чиқариш бўйича 2010 йилнинг 19 январь куни Ўзбек-Англия “Мэрри Мед Фарм” қўшма корхонаси ташкил этилиб давлат рўйхатидан ўтказилди. Корхона таъсисчилари “Гулифарм” МЧЖ (Ўзбекистон) ва “Тера Лайн Инвест ЛТД” (Англия) компанияси. Ҳозирги кунга қадар корхонада ўз маблағлари ҳисобидан 555 минг АҚШ доллари ўзлаштирилиб, хорижий инвестиция ҳисобига 371 минг АҚШ доллари миқдоридаги технологик жиҳозлар ва хом-ашёлар келтирилган. Жами ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 926 минг АҚШ долларини ташкил этган. 2011 йил 1-чораги якунига қадар яна қўшимча 180 минг АҚШ долларлик инвестиция (хом-ашё) жалб қилиниши кўзда тутилган. Корхонада жиҳозларни ўрнатиш, қурилиш-монтаж, ободонлаштириш ишлари якунланган. Соғлиқни сақлаш вазирлигидан фаолият юритиши учун лицензия олган ва “Ўзфармсаноат” компанияси таркибига киритилган. Ҳозирда 9 турдаги дори-дармон воситаларини ССВда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Корхонани 2011 йилнинг 1-чораги якунига қадар корхонада ишлаб чиқаришни йўлга қўйилади. Ҳозирги кунга қадар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш ишлари якунланмаган.

Наманган шаҳридаги “Шанхай Наманган Индустрия ЛТД” қўшма корхонасида ғовак бетон ва безак тошлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси бўйича “Травертинтош” МЧЖ ташкил этилган. Травертин ва мрамор тошлари қазиб олиш ва уни қайта ишлаш йўлга қўйилиб, 30 та янги иш ўринлари яратилган. Тегишли тартибда лицензия ва сертификат олинган.

Корхона ўз маблағи ҳисобидан 100 млн. сўмлик олмос дискли мармар ва травертин тош кесадиған жиҳозлар сотиб олинған ва ишга туширилған. Фаолиятни кенгайтириш учун хорижий ҳамкор талаб этилади.

Тўрақўрғон туманидаги “Оқтош тайёрлаш бутлаш” давлат корхонасида мебель ишлаб чиқариш ва пластмассадан маҳсулот ишлаб чиқариш учун термопласт автомат ўрнатиш лойиҳаси бўйича мазкур объект худудий танлов комиссиясининг 20.07.2010 йилдаги қарорига асосан фуқаро С.Гаффаровга бир йил муддатда қарорда белгиланған лойиҳани амалга ошириш учун 183 млн. сўм инвестиция киритиш шарти билан “О” қийматда берилған. Инвестор томонидан шартнома шартларига ҳамда бизнес режага мувофиқ 2010 йил 3 ва 4-чораги давомида 77,3 млн. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилған ва 4 та янги иш ўринлари яратилған. Корхонани 2011 йил 3-чорагида тўла ишга тушириш режалаштирилған.

Қолған 6 та лойиҳаларнинг паспортлари ва инвестиция таклифлари тайёрланиб, Иқтисодиёт ва ТИАИС вазирликларига такдим этилған. ТИАИС вазирлиги томонидан ушбу лойиҳалар Инвестицион таклифлар ягона базасига ва хорижий инвестицияларни ахборот билан таъминлаш ва жалб қилиш “Ўзинфоинвест” веб-сайтига жойлаштирилған.

5. Истиқболли саноат корхоналарини техник жиҳатдан модернизация қилиш ва молиявий соғломлаштириш бўйича 2010 йил мобайнида Дастурга киритилған корхоналар томонидан ўтган вақт давомида 808,1 минг. АҚШ доллари ва 14 986 млн. сўмлик инвестициялар киритилди ва 2011 йил 1 январь ҳолатига 39 561 млн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Дастурга мувофиқ ўтган давр мобайнида 1135 та иш ўринлари яратилди ва қайта тикланди ҳамда 2010 йилда 19 корхоналарда 30 та тадбирлар бажарилған.

## Наманган вилоятида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши

№ т/р	Кўрсаткичлар номлари	Улчов бирлиги	2009 йил ҳақиқатда	2010 йил		2009 йилга нисбатан %да	2011 йил 1-чорак	
				прогноз	ҳақиқатда		прогноз	2010 й. 1-чоракка нисб.ўсиш суръати
<b>1.</b>	<b>Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми</b>	<b>млн.сўм</b>	<b>534531,2</b>	<b>670046,2</b>	<b>748671,4</b>	<b>123,7</b>	<b>182802,0</b>	<b>112,5</b>
1.1.1.	Нодавлат секторидида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажми	- // -	534531,2	670046,2	748671,4	123,7	182802,0	112,5
	Худудий саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар	- // -	162064,2	240164,7	269648,3	138,1	62412,0	120,0
1.1.2.	Саноат корхоналари сони	бирлик	1971	2316	2316	117,5	2316	100,0
	шундан фаолият кўрсатаётгани	- // -	1623	1918	1918	118,2	1918	100,0
	шу жумладан,							
	Йирик саноат корхоналари	- // -	43	40	40	93,0	40	100,0
	шундан фаолият кўрсатаётгани		41	39	39	95,1	39	100,0
	Кичик корхоналар	- // -	155	151	151	97,4	151	100,0
	шундан фаолият кўрсатаётгани		146	143	143	97,9	143	100,0
<b>2.</b>	<b>ХИМ ишлаб чиқариш</b>	<b>млн.сўм</b>	<b>329546,7</b>	<b>414520,0</b>	<b>441874,7</b>	<b>115,5</b>	<b>99706,0</b>	<b>110,5</b>
	шу жумладан							
	Озик-овкат маҳсулотлари	млн.сўм	218390,0	261247,1	270579,7	107,6	60775,0	106,0
	Ноозик-овкат маҳсулотлари	- // -	96870,4	141264,1	162237	142,3	36872,0	132,3
	шу жумладан, енгил саноат маҳсулотлари	- // -	43099,7	65132,8	69509,2	128,1	15797,5	125,6
	Вино-арок ва пиво ичимликлари	- // -	14286,3	12008,8	9058	52,8	2059,0	100,0
<b>3.</b>	<b>Аҳоли жон бошига тугри келадиган ХИМ</b>	<b>сўм</b>	<b>146850,3</b>	<b>182447,5</b>	<b>193431,4</b>	<b>113,4</b>	<b>46055,1</b>	<b>108,0</b>
	шу жумладан							
	Озик-овкат маҳсулотлари	минг.сўм	97,3	118,4	118,4	121,7	43,3	120,0
	Ноозик-овкат маҳсулотлари	- // -	43,2	71,0	71,0	164,5	26,6	150,0
	шу жумладан, енгил саноат маҳсулотлари	- // -	19,2	30,4	30,4	158,4	6,9	142,0
	Вино-арок ва пиво ичимликлари	- // -	6,4	4,0	4,0	62,3	0,9	100,0

2010 йилда “Узрубериод”, “Косонсой парранда”, “Карбонам”, “Барион” ва “Қўғайтаъмирлаш”, “Феруз” МЧЖ ҳамда “Нотўқимачи” АЖ корхоналарида махсулот ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси оширилди. Шунингдек, “Наманган қоғози”, “Косонсой тўқимачи”, “Tradewell International”, “Водий ипаги”, “Инвест Тех ИБ”, “Клайна-Текстил” ва “Норин йигирув-тўқув”, “Нам Текс” МЧЖ, “Шарқ пайабзал” МЧЖ корхоналаридаги мавжуд қувватлар қайта тикланди, шунингдек, “Каптекс” МЧЖда (собик “Уйчи йигирув-тўқув”) реконструкция ишлари олиб борилди.

**6.** Кооперациялашган етказиб беришлар асосида ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтирган ҳолда йирик саноат корхоналарида хом-ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича 6 та корхонада 11 та лойиҳа амалга оширилган бўлиб, 882,6 минг доллар миқдорида инвестициялар ўзлаштирилган ва 160 та янги иш ўринлари яратилган.

**7.** Дастурнинг янги иш ўринлари яратиш топшириғига мувофиқ 2010 йилда жами 71039 та янги иш ўринлари яратилиши белгиланган бўлиб, 2010 йил якуни билан 71159 та янги иш ўринлари яратилди ёки бу кўрсаткич йиллик дастурга нисбатан 100,2 фоизни ташкил этди. Иш жойларининг 6469 таси (79,5%) қишлоқ жойларда яратилди. Жумладан, кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил этиш ҳисобига 22126 та, янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, корхоналарни модернизация қилиш ва кенгайтириш ҳисобига 5192 та, хусусий тадбиркорликни ташкил этиш ҳисобига 9837 та, фермер хўжалиklarини ривожлантириш ҳисобига 1763 та, ишлаб чиқариш инфратузилмани ривожлантириш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ҳисобига 5571 та, бозор инфратузилмани ривожлантириш ва ишламай турган корхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобига 581 та ҳамда уй меҳнатини ташкил қилишда 26089 та янги иш ўрни яратилди.

## **2.3 Наманган вилоятида ижтимоий инфратузилмани ривожланиши**

Наманган вилояти мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тез ривожланаётган минтақалардан бири ҳисобланади ва мамлакат миллий иқтисодиётида, минтақавий таркиб тузилмасида ўзига хос ўрин эгаллайди.

Мамлакатимизда бўлгани каби Наманган вилоятида ҳам ўтган асрнинг 90-йиллари бошларидан жамият ҳаётининг барча жабҳаларида кенг камровли ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда ва бу минтақа иқтисодиётининг сифат жиҳатидан тобора янги қиёфага кириб бораётганлигини ифодалайди.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Наманган вилоятида иқтисодиётнинг бошқа ўзак тармоқлари сингари хизмат кўрсатиш сектори ҳам жадал ривожланиш даврини бошдан кечирмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Наманган вилоятида аҳолига маиший хизмат, савдо ва бошқа хизматлар кўрсатиш тез ривожлана бошланди. Чунончи, 1997 йилда вилоят аҳолисига 3107,0 млн. сўмлик пуллик хизмат кўрсатилган. Кўрсатилган хизматларнинг 39 фоизи (1028,1 млн. сўм) маиший хизмат турларига тўғри келди. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар ҳажми 1719,2 сўмни, маиший хизмат кўрсатишда эса 568,9 сўмдан иборат бўлди. Ушбу йилда вилоятда 745 та маиший хизмат кўрсатиш корхоналари фаолият кўрсатган.

2000 йил Наманган вилоятида чакана савдо айланмаси 97535,1 млн. сўмни ташкил этиб, аҳоли жон бошига нисбатан 50531 сўмдан тўғри келди. Пуллик хизмат кўрсатиш эса 11934,5 млн. сўм бўлиб, аҳоли жон бошига 6183,0 сўмдан, шу жумладан, маиший хизмат кўрсатиш 3853,8 млн. сўм бўлиб, шундан аҳоли жон бошига 3997 сўм тўғри келди.

2001-2005 йилларда Наманган вилояти аҳолисига кўрсатилган чакана савдо хизмати сезиларли равишда ўсди. Агар 1996 йил аҳоли жон бошига 11,2 минг сўмлик чакана савдо хизмати кўрсатилган бўлса, 2001 йил 80608 сўм, 2005 йил 158904 сўм ва 2006 йил 201,6 минг сўмга етди. Аҳолига хизмат

кўрсатишни яхшилаш мақсадида “озик–овқат маҳсулотлари” ва “универсал” улгуржи базалар ташкилланди ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари билан истеъмолчилар ўртасидаги занжир тикланди ва таъминот даражаси яхшиланди.

Аҳоли жон бошига нисбатан пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми ҳам кўпайди. Агар 1996 йил аҳоли жон бошига 1 минг сўм пуллик хизматлар тўғри келган бўлса, 2001 йил 9 минг сўм, 2005 йил 35,3 минг сўм, 2006 йил 49,2 минг сўмга ёки 5 мартадан ортиқ кўпайди. Хизмат кўрсатиш соҳаларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 33,9 % дан иборат бўлди.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов томонидан 2006 йил қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ушбу соҳада кенг кўламли ишларни ижтимоий ҳаётга жорий этишда стратегик вазифаларни белгилаб берди. Қарорга мувофиқ Наманган вилоятида ҳам 2006-2010 йилларда савдо, транспорт, темир йўл, авиация, электрон ахборот тармоқлари ва телекоммуникация хизматлари, шунингдек, банк, молия, суғурта, лизинг, туризм, меҳмонхона, коммунал ва маиший хизмат, автомобил ва бошқа турдаги техникаларни (оргтехника ва офис жиҳозлари) таъмирлаш, қишлоқ хўжалиги тизимига сервис хизматлари кўрсатиш, таълим, спорт ва маданият, соғлиқни сақлаш, санатория ва курорт хўжалиги хизматларини жадал ривожлантириш ҳамда сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш кўзда тутилган.

Шу маънода сўнгги йилларда Наманган вилоятида хизматлар соҳасининг жадал ривожланиши амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг тобора чуқурлашуви ва мамлакатни модернизациялаш жараёнлари билан чамбарчас боғлиқдир. 2008 йилда чакана товар айланмаси 758924,3 млн. сўмни ташкил этди ва 2007 йилга нисбатан 116,8% ўсди. Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси 265341,2 млн. сўмни ташкил қилиб, 2007 йилга нисбатан 144,2 % ошди. Қишлоқ жойларидаги савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси умумий товар айланмасининг 4,5 %

ташқил қилди. Дехқон бозорлари томонидан қишлоқ хўжалик товарлари ва қорамол сотиш 5,7 % га кўпайди ва 288328,2 млн. сўмга етди. Унинг товар айланмаси умумий ҳажмидаги улуши 38,0 % ни ташқил қилди. Озиқ-овқат молларини сотиш 355308,1 млн. сўм, ноозиқ-овқат молларини сотиш 403616,1 млн. сўмдан иборат бўлди. Чакана товар айланмаси таркибида озиқ-овқат моллари улуши 53,2 % ни ташқил қилди. Умумий овқатланиш соҳаси товар айланмаси 12362,6 млн. сўм ёки 2007 йилга нисбатан 7,4 % кўпайди.

2008 йилда аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар 228948,0 млн. сўмни ёки 2007 йилга нисбатан 126,1 % га ўсди. Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан кўрсатилган хизматлар 132,4 % га кўпайди ва 126954,1 млн. сўмни, пуллик хизматлар умумий ҳажмидаги улуши эса 55,5 % ни ташқил қилди. Аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажмидаги нодавлат сектори улуши 85,9 % дан иборат бўлди.

Пуллик хизматлар умумий ҳажмидаги маиший хизматлар 24 % ни ёки 55102,3 млн. сўмни ташқил қилди ёки тармоқнинг реал ҳажми 41,9 % га ошди. Маиший хизматлар кўрсатишнинг 97,0 % хусусий тадбиркорлар томонидан амалга оширилди. Шу сектор томонидан 53499,4 млн. сўмлик хизматлар бажарилди ёки ўсиш суръати 149,0 % ни ташқил қилди.

2008 йил иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар 692149,9 млн. сўмни, шу жумладан қишлоқ жойларида 326722,4 млн. сўмни ёки умумий кўрсатилган хизматларнинг 47,2 % ташқил этди ва 120,6 % ўсди. Хизматлар кўрсатишда энг катта улуш савдо ва умумовқатланиш (27,6 %), коммунал хўжалик (20,0 %), бошқа бозор хизматлари (18,1 %), транспорт (15,0 %), алоқа ва ахборотлаштириш (6,7 %) хизматлар ҳиссасига тўғри келди. 2008 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида хизматлар 42,8 % ни ташқил этди.

2010 йилда чакана савдо айланмаси ҳажми 1318,8 млрд. сўмни ташқил этиб, 2009 йилга нисбатан 120,0 фоизга, пуллик хизматлар ҳажми эса 434,0 млрд. сўм ёки 116,1 фоизни ташқил этди. Вилоятда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши прогноз кўрсаткичларидан 2,7 бирликка ортиқ бўлиб, 49,2 фоизни ташқил этди.

Шу даврда 864,0 минг кв.м. турар-жойлар (йиллик режага нисбатан 112,3%), 188,4 км ичимлик суви (114,2%) ва 93,5 км табиий газ тармоқлари (155,8%) тортилди.

Шунингдек, бюджет маблағлари ҳисобидан 5 та касб-ҳунар коллежлари ва 2 та академик лицейлар учун жами 650 ўринли янги ётоқхоналар, 3 та қишлоқ аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш объектлари, соғлиқни сақлаш объектларидан реконструкция қилиш ҳисобига вилоят Қон қуйиш маркази ва 7 та поликлиникаларда қурилиш-монтаж ишлари якунланиб фойдаланишга топширилди.

Мактаб таълими жамғармаси ҳисобидан янги қурилиш ҳисобига 2700 ўқувчи ўринли 5 та ва реконструкция ҳисобидан 8300 ўқувчи ўринли 9 та жами 11000 ўқувчи ўринли 14 та умумтаълим мактаблари ва 2 та умумтаълим мактаблари учун спорт заллар ҳамда болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 10 та спорт иншоотлари, 3 та мусиқа ва санъат мактаблари, 3 та сузиш хавзалари жами 14 та объектлар фойдаланишга топширилди.

Соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича реконструкция қилиш ҳисобидан Кардиожарроҳлик маркази объектида 3 млрд 418 млн сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилиб, 427.0 млн сўмлик ускуна ва жихозлар ўрнатилди. Ҳозирда хорижий Давлатлардан қиймати 1 млрд 50 млн сўмлик илғор замонавий тиббий асбоб-ускуна ва жихозлар олиб келиш бўйича иш олиб борилмоқда.

Булардан ташқари, ҳудудий дастур асосида 2010 йил давомида 116 та йирик ва кичик ишлаб чиқариш объектлари фойдаланишга топширилди ва ушбу объектларга жами 38,4 млрд.сўм маблағлар сарфланди. Қўшимча 84.0 млрд.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилиб, 2000 нафар янги иш ўринлари яратилди.

Вилоятда йўл дастурига киритилган 29 та умумфойдаланувдаги автомобил йўлларида 78,0 км автомобил йўллари реконструкция қилиш, тўла ва ўрта таъмирлаш ишларига 36,8 млрд.сўмлик иш ҳажмлари бажарилиши режалаштирилгани ҳолда 2010 йил якуни билан барча объектларда 36,9 млрд.сўмлик (100,2%) иш ҳажмлари бажарилди, 16 та объектларда 78,0 км узунликдаги йўллар фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, вилоятда маҳаллий бюджет ҳисобидан хўжаликлараро қишлоқ ички йўллари таъмирлаш бўйича 116,4 км йўллар таъмирланиб, бу мақсадларга 2330,3 млн.сўм маблағ сарфланди.

Муҳтарам Юртбошимиз томонларидан белгилаб берилган 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларидан келиб чиқиб, қишлоқ турмуши сифати ва қиёфасини тубдан яхшилаш, қишлоқ жойларида ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини жадал ривожлантиришга йўналтирилган узоқ муддатли чора-тадбирлар дастури доирасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Ҳусусан, вилоятнинг 11 та ҳудудидаги 16 та қишлоқ аҳоли массивларида намунавий лойиҳалар бўйича тайёр ҳолда топшириш шарти билан 500 та уй-жой барпо этилиб, бу мақсадларга 30 миллиард 480 млн сўм миқдорида капитал қўйилмалар, жумладан, 18.8 миллиард сўмдан ортиқ узоқ муддатли имтиёзли кредитлар йўналтирилди.

Шунингдек, янги массивларда қишлоқ аҳолиси учун зарур қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида, 27 та ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектлари барпо этилиб, аҳоли пунктларини муҳандислик тармоқлари билан таъминлашда 14,2 км электр тармоқлари, 15,3 км газ тармоқлари, 26,2 км сув тармоқлари ва 8 км узунликдаги ички йўллар барпо этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 августдаги ПҚ-1170-сонли «Наманган шаҳрини 2009-2012 йилларда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар Дастури тўғрисида»ги қарорига асосан 2009-2010 йилларда Наманган шаҳрида олиб борилган кенгайтириш, қайта қуриш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари натижасида бугунги кунда Наманган шаҳри таниб бўлмас даражада ўзгача қиёфа кашф этмоқда.

Дастур доирасидаги 175 та объектлардан 150 тасида ишлар бошланиб, унинг 115 тасида қурилиш ва таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилди. Барча манбалар ҳисобидан 200,0 млрд. сўмга яқин маблағлар ўзлаштирилди, шундан 68,0 млрд. сўмга яқини бюджет маблағлари ҳиссасига тўғри келади.

Шаҳарда 1333 та савдо ва сервис шохобчаларини таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари якунланди, қолган 132 тасида таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Янги қурилаётган 138 та шохобчанинг 21 тасида қурилиш ишлари ниҳоясига етказилиб, қолган 117 таси қурилиши график асосида давом эттирилмоқда.

Меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш бўйича вилоятда иш жойларига бўлган эҳтиёж ва имкониятдан келиб чиқиб аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринлари яратиш дастури ишлаб чиқилган. Шу асосда вилоят бўйича 71 минг 159 та янги иш ўринлари барпо этилди. Яратилган иш жойларининг 56 минг 538 таси ёки қарийиб 80 фоизи қишлоқ жойлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг “2009-2012-йилларда Наманган вилоятида кичик бизнес, тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш дастури тўғрисида”ги 246-сонли қарори асосида олиб борилган ишлар натижасида, янги ташкил қилинган умумий иш

ўринларининг қарийиб 34 мингдан зиёди ёки 50 фоизи кичик бизнес соҳаси ва фермер хўжаликларига, 7,0 мингдан ортиғи касаначилик соҳасига тўғри келди.

Дастур доирасида 2010 йил давомида саноат соҳасида 336 та, хизмат кўрсатиш соҳасида 1499 та кичик бизнес субъектлари ташкил этилиб, уларда мос равишда 3094 та ва 16251 та янги иш ўринлари яратилди ва режа ортиғи билан бажарилди.

Шунингдек, йирик объектларни ишга тушириш, қайта қуриш ва кенгайтириш (инвестиция, ҳудудий ва локализация дастурлари) ҳисобига 5 минг 192 та, уй меҳнатини барча шакллари ташкил этиш ҳисобига 26 минг 89 та, ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш ҳисобига 5 минг 808 та янги иш ўринлари яратилди.

Вилоятда аҳоли даромадларини кўпайтириш бўйича олиб борилаётган тадбирлар натижасида, аҳоли жон бошига даромадлар ҳажми 2010 йилда 918,0 минг сўмни ташкил этиб, 2009 йилга нисбатан 26,0 фоизга ортиди.

Шунингдек, вилоятда ўртача иш ҳақи ва пенсия йилдан-йилга кўпайиб, ўртача иш ҳақи миқдори 440,0 минг сўмни (140,0%), пенсия миқдори 156,7 минг сўмни (125,1%) ташкил этган.

Аҳоли даромадлари таркибида иш ҳақининг улуши 23,7 фоиз, пенсия, нафақа ва стипендиялар 16,0 фоиз бўлса тадбиркорлик фаолиятидаги улуш қарийиб 60,0 фоизни ташкил қилмоқда.

Кам таъминланган ёки ижтимоий муҳофазага муҳтожлар сони 136,0 мингтани ташкил этиб, барқарор ижтимоий сиёсат натижасида, 2009 йилга нисбатан 11,3 минг тага ёки 8,3 фоизга камайган.

“Баркамол авлод йили” Давлат дастури асосида 2010 йилда барча манбалардан 363 млрд 279,6 млн. сўм маблағлар сарфланиб, режага нисбатан 105 фоизга бажарилди.

Шундан бюджет маблағлари ҳисобига 125 млрд. 71,5 млн. сўм, бажарувчилар маблағлари ҳисобига 63 млрд. 130 млн сўм, банклар кредитлари ҳисобидан 136 млрд. сўм, ҳомийлар томонидан 33 млрд. 227 млн. сўм маблағлар сарфланди.

Бу маблағлар эвазига вилоятдаги бир қатор соғлиқни сақлаш муассасалари капитал реконструкция қилиниб, кўплаб спорт иншоотлари жумладан, спортзаллар, уйингоҳлар, сузиш ҳавзалари, шунингдек, мусиқа мактаблари каби объектларда реконструкция ва таъмирлаш ишлари олиб борилиб, фойдаланишга топширилди.

Бу эса, ўз навбатида, Муҳтарам Президентимиз таъбирлари билан айтганда мамлакатимизда ҳар томонлама муносиб ёшларни, Ватанимиз келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, жисмоний ва маънавий соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш учун зарур барча шарт-шароитларни яратиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш имконини туғдирди.

### **III БОБ. МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИДА ИЖТИМОЙ ИНФРАТУЗИЛМАНИ БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

#### **3.1. Ижтимоий инфратузилмани ташкил қилиш ва ривожлантириш**

Ҳозирги вақтгача ижтимоий инфратузилманинг комплекс ривожлантириш даражаларини белгиловчи нормативлар тизими ишлаб чиқилмаган. Амалдаги идоравий меъёрлар ва нормативлар одатда, ижтимоий мақсадларга йўналтириладиган ресурслардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги тизимига асосланади. Шаҳарлар, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктларини режалаштиришда ҳамда қуришда қўлланиладиган қурилиш меъёрлари ва қоидалари мажбурий тусда эмас, чунки уларда қишлоқ жойлар ва шаҳар манзиллари ижтимоий инфратузилмаси ўртасидаги алоқа ҳисобга олинмайди.

Шу туфайли ижтимоий инфратузилма барча унсурларини мажмуа тарзида мувозанатланган ривожлантиришга эришиб ҳам бўлмайди. Ундан ташқари, тавсия этилаётган кўпгина меъёрларни зудлик билан қайта кўриб чиқиш талаб этилмоқда. Ижтимоий инфратузилманинг меъёрий базаси ва ижтимоий нормативлар тизими қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

- а) мақсадли нормативлар.
- б) ижтимоий инфратузилма муассасалари хизматлари билан таъминланишнинг энг кам даражаси;
- в) фаолият шароитининг комплекс ижтимоий андозалари;
- г) иқтисодий нормативлар (қиёсий сарфлар нормативлари, фойдаланилаётган ресурслар учун тўловлар).

Шу тариқа инсоннинг уй-жойга эга бўлиш, соғлиғини сақлаш, таълим олиш, ҳордиқ чиқариш, меҳнат қилиш ва ҳоказо ҳуқуқлари амалга ошади. Мазкур энг кам даража ижтимоий истеъмол фондлари ҳисобига таъминланиши шарт, бу ҳолда улар турмуш жами шароити бўйича барча

ижтимоий гуруҳларни яқинлаштириш ролини ўйнайди. Бу жиҳатдан айрим иқтисодчи олимларнинг уй-жой қурилишини ўтказиш тўғрисидаги фикрларига қўшилиш лозим, бунда давлат тураржой майдони ва ободонлаштириш бўйича белгиланган, ижтимоий кафолатланган меъёр доирасида тураржой биносининг бир қисмини қуриш учунгина маблағ ажратади.

Ижтимоий нормативлар тизимини ишлаб чиқишда минтақавий хусусиятлар, шаҳар ва қишлоқ жойларда, аҳоли турмуш тарзи ва бошқа кўп жиҳатлар ўртасидаги тафовфутларни ҳисобга олмоқ лозим. Улар доирасида қуйидаги жамлама омилларни ажратиш мумкин:

Жўғрофий омиллар – аҳоли жойлашув таркиби, шаҳарлашув (урбанизация) даражаси; биологик иқлим хусусиятлари, табиий иқлим шароитининг меҳнат туси ва режимига, халқ хўжалигининг ихтисослашуви, меъморчиликка таъсири, рекреация имкониятлари ва улардан фойдаланиш даражаси; табиий ресурслар билан таъминланганлик ва табиатдан фойдаланиш хусусияти.

Демографик омиллар – аҳолининг кўпайиш режими, унинг сони, таркиби ва табиий кўчиб юриш таъсирида жойлашувнинг ўзгариши, аҳоли миграцияси ва сафарбарлиги; аҳоли ва меҳнат ресурсларининг жинсий ва ёш таркиби; оилаларнинг шаклланиши, ўсиш ва ажратиш шароити, уларнинг тури ва таркиби, миграция туси, миграция оқимлари таркиби, аҳолининг миллий таркиби, айрим миллатлар ва элементларни зич ёки тарқоқ яшаш даражаси:

Ижтимоий омиллар – ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланиш даражаси ва ўсиш истиқболи, минтақанинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги улуши; Ҳозирги босқичда ва истиқболда халқ хўжалигининг таркиби, бошқарув тизими, минтақада илмий-техник тараққиёти туси, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзи, миллий ва маиший хусусиятлар, анъанавий этник қадриятлар, уларнинг меъморчиликда акс этиши; минтақада яшовчи миллатлар ва элатларнинг, миллий ва этнографик гуруҳларнинг

ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиши ҳамда маданий эҳтиёжлар туси ва тил тараққиёти.

Мазкур омилларни минтақавий хусусиятлар ва бошқа аломатлардан келиб чиқиб, сифат ва аралаш тавсифлар бўйича ташкил қилиш; улардан ҳал этиш заруратига кўра, энг долзарб омилларни ажаратиш мумкин. Иқтисодиётнинг ижтимоий соҳага йўналтирилиши ижтимоий инфратузилмани мустақил бошқарув объекти, уни ривожлантириш муаммоларига тизимли ёндашув сифатида алоҳида ажратиб олишни шарт қилиб қўяди.

Инфратузилманинг яхлит бошқарув объекти сифатида ажратилиши бутун халқ хўжалиги мувозанатли ва мутаносиблик асосида ривожлантирилиши, минтақалар ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги номутаносибликларга барҳам бериш имконини яратади. Ижтимоий адолат принципларини рўёбга чиқаришдан иборат мақсад ижтимоий инфратузилмани шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий вазифаларини маҳаллий бошқарув идоралари, ҳокимликлар қўлига топширишни тақозо этади.

Кучли ижтимоий сиёсат юритиш муаммолари ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни давлат вазифаси даражасига кўтаришни, айтини вақтда молиялаш манбаидан қатъи назар, нивестиция сиёсатини, уни амалга оширишнинг барча белгиланган афзалликлари билан бирга қайта кўришни тақозо этади.

### **3.2. Наманган вилоятида ижтимоий инфратузилмасини бошқариш механизмини такомиллаштириш**

Наманган вилоятида ижтимоий инфратузилма ҳудудий аҳоли фаровонлигини ошириш, кишилар меҳнат шароити ва турмуш тарзини яхшилаш билан боғлиқ муҳим ижтимоий вазифаларни ҳал этаркан, вилоят

аҳолисининг эҳтиёжлари қондирилишини таъминлайди, мамлакат иқтисодий юксалиши учун шароит яратади.

Айни вақтда Наманган вилоятида мавжуд ижтимоий тузилма ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсишига бевосита таъсир кўрсатади. Худудий инфратузилманинг ривожланиши иқтисодиёт реал сектори билан бевосита боғланганки, у мазкур тузилманинг ҳолати ва ўсиш суръатларини шакллантиради.

Ушбу худуднинг ижтимоий ҳолатига таъсир кўрсатувчи инфратузилманинг асосий жиҳатларига қуйидагилар киради:

- ишлаб чиқарувчи кучларнинг оқилона жойлаштирилиши;
- аҳолининг меҳнат фаоллиги ва унинг кўламини кенгайтириш;
- меҳнат ресурслари сафарбарлигини тартибга солиш;
- бўш вақт фондини бойитиш ва ундан фойдаланиш шарт-шароитини яхшилаш учун имконият яратиш;
- иш кучини такрор етиштиришга таъсир этиш.

Ижтимоий инфратузилма фаолияти мураккаб вазифалар тизимидан иборат. Унда барча унсурлар ўзаро боғланганки, улардан бири ривожланмай қолса, бошқаларидан самарасиз фойдаланилаётганлигини кўрсатади. Шу боисдан Наманган вилоятида ижтимоий инфратузилманинг мажмуа тарзида ривожланишини таъминлаш муҳим ишдир.

Турғунлик йилларидаги бошқарув тизими шароитида ижтимоий инфратузилмани молиялаш манбалари фақат марказлаштирилган фондлар ва лимитлар билан чекланган. Улардан фойдаланиш тартиби ҳамда йўналиши жуда қаттиқ назорат қилинган. Вилоятнинг ижтимоий тараққиёти унинг хўжалик юритиш самарадорлигига боғлиқ эмас, худудий бошқарув органлари, маҳаллий органлар аслида марказ, вазирликлар ва идоралар тазйиқи остида бўлган.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида худудий жиҳатдан ижтимоий инфратузилманинг бошқарилиши натижасида унинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлди:

- республика, тармоқ ва ҳудудий бошқарув органларининг вазифа ҳамда мақсадларини, мулкый ҳуқуқларини чегаралаш;
- қишлоқ кенгашлари, туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари ролини қайта кўриб чиқиш;
- мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини ҳисобга олиб, ижтимоий соҳада қайта қуриш дастурини ишлаб чиқиш;
- ҳужжатлар ва тавсиялар меъёрий-йўриқнома базасини тайёрлаш;
- ҳудудий хусусиятлар ва омилларни ҳисобга олиш, буларга ижтимоий меъёр кўрсаткичлари тизимини ишлаб чиқишда диққат қилиш;
- уй-жой муаммоларига эътибор бериш ва яқка тартибда уй-жой қурилишини ривожлантириш.

Ҳозирги вақтга келиб вилоят ҳудудлари ва шаҳар жойларида ижтимоий инфратузилмани бошқариш муаммолари қуйидагилардан иборат:

- ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантиришга мўлжалланган маблағлар ва ресурсларни бошқаришга оид барча вазифаларнинг маҳаллий бошқарув органлари қўлида ҳақиқатан жамланишига эришиш;
- хўжалик юритиш ва тармоқлар ҳамда ҳудудларнинг ўзаро таъсири ташкилий-иқтисодий механизмининг такомиллаштириш;
- минтақалар ўртасида ва ичида, унинг унсурлари, вертикал ва горизонтал тузилмалари ўртасида ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришдаги номуносибликларга барҳам бериш;
- шаҳар ва қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини янада интеграция қилиш, бунда шу тизимларга хос ижобий жиҳатларни бутун чоралар билан ривожлантириш ҳамда уларнинг нохуш жиҳатларини имкон қадар чеклаш (ёки бартараф қилиш) мақсадини кўзлаш;
- қишлоқни ижтимоий қайта қуришнинг мақсадли, комплекс дастурини тузиш ва амалга ошириш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, фаол демографик сиёсат юритиш.

Маълумки, ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришда вазирликлар ва идораларнинг ишлари ҳамда вазифаларини аниқ чегаралаш биринчи ўринга қўйилади. Аммо ҳозирги вақтгача уни вужудга келтириш учун зарур барча ресурслар амалда марказий органлар ва тегишли вазирликлар қўлида жамланган.

Худудий кўламда ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга корхоналарнинг маблағларини жалб қилиш механизмини такомиллаштириш лозим, шунда корхоналарда ҳокимликлар, кенгашларнинг вазифалари аниқ чегаралаб қўйилган бўлур эди. Шунинг учун ижтимоий инфратузилмани барпо этиш, ривожлантириш ва бошқариш, ўзига қарашли худудларни ижтимоий ривожлантиришга оид барча вазифаларни истиқболни белгилаш ва статистика органлари зиммасига юклаш мақсадга мувофиқдир. Корхоналар фойдасининг бир қисми маҳаллий бюджетларга ажратилишининг узок муддатли меъёрлари маҳаллий бошқарув органлари билан корхоналарнинг ўзаро муносабатлари учун асос бўлиши керак.

Меъерий ҳужжатларга биноан, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушаётган маблағларнинг бир қисми маҳаллий бюджетга минтақани ривожлантириш ҳамда ижтимоий инфратузилма иншоотларини молиялаш учун ўтказилмоқда. Тегишли ижтимоий инфратузилмани шакллантиришга мўлжалланган маблағларни тармоқ фондларидан олиб, ҳокимликлар ва туман кенгашига топшириш мақсадга мувофиқдир. Мазкур шартлар корхоналар ва ташкилотлар фаолиятини ўзининг бевосита ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал қилишга қаратиш имконини беради. Бундай ёндашув ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришдаги худудий ва тармоқ номуносабатликларига барҳам бериш, унинг унсурларини мувозанатлаш имконини яратади. Маъмурий-бўйруқбозликнинг бартараф этилиши муайян худуд (вилоят) доирасида аҳоли ижтимоий эҳтиёжларини қондириш учун тенг шароит вужудга келтиради. Вазифаларни такрорлаш илллати истисно қилиниб, маҳаллий бошқарув

органларининг ижтимоий масалаларни, корхоналар ва ташкилотларнинг эса ўз бевосита вазифаларини ҳал этишдаги масъулияти ошади.

Хўжалик юритиш янги иқтисодий механизмнинг яратилиши маҳаллий бюджетга кўпгина маблағларни жалб этиш имконини беради, аммо муайян жой шароитида мана шу барча ресурслар ҳар ҳолда корхона ва ташкилотлар ҳисобига шаклланади. Айни вақтда кўпчилик ҳокимликларда қишлоқда ижтимоий инфратузилма иншоотларини қуриш бўйича ягона буюртмачи вазифаларини бажариш учун ҳақиқий имконият вужудга келмаган.

Худудий бошқарув органлари билан корхоналар имкониятларини бирга қўшиш мақсадга мувофиқдир. Қишлоқ хўжалиги таъсири устун бўлган туманларда ҳокимликлар ўзларига қарашли ҳудудда ижтимоий ривожланиш дастурларини тузиши ва улар ижросини назорат қилиши, ўзида сармоя қўйилмаларини жамлаб, кейин буюртмачи вазифасини ташкилотларга топшириши мумкин.

Маълум бўлишича, кўпчилик экспертлар маблағлар маҳаллий ҳокимлик қўлида жамланишини ёқламоқда. Ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни бошқарув механизмини яратишнинг турли вариантлари бир хил баҳоланишига қарамай, вилоятдаги туманларнинг ўзига хослигига боғлиқ ҳолда вазиятни ривожлантиришнинг учта эҳтимолий йўналишини қўлланиши учун асос бор, яъни:

- а) маблағлар ва ресурслар худудий ҳокимлик ихтиёрида жамланади;
- б) вазифалар агросаноат корхоналари ва ташкилотлар қўлида жамланади;
- в) дастлабки икки вариант энг мақбул тарзда бирга қўшилади.

Худудлар ижтимоий соҳага оид барча масалалар ҳокимлик ихтиёрига топишрилган тақдирда ижтимоий инфратузилма айрим унсурларининг номутаносиб ривожланиш хавфи туғилади. Ресурсларнинг Республика Вазирлар Маҳкамаси ва ҳокимликлар даражасида марказлашуви уларни минтақалар, шаҳар ва қишлоқ ўртасида, булар ҳар бирининг иқтисодиётга қўшган ҳиссасига номутаносиб ҳолда адолатсиз равишда тақсимланишига

сабаб бўлиши мумкин. Айти вақтда барча маблағларнинг ҳокимликлар кўлига топшириб қўйилиши ижтимоий инфратузилма унсурлари мувозанатга зид тарзда ривожланишини туғдиради. Шуниси равшанки, ҳокимликлар соғлиқни сақлаш, ҳунар ва олий таълим соҳасида ихтисослашган муассасалар ва ҳоказоларни ривожлантиришдан кўра, уй-жой, коммунал иншоотлар савдо корхоналари қуришдан кўпроқ манфаатдор.

Ижтимоий инфратузилманинг айрим унсурларини ривожлантириш вазибалари алоҳида тақсимланган тақдирдагина манфаатлар уйғунлигига эришиш мумкин.

Ҳудудий бошқарув органлари зиммасига хизматидан ҳар куни фойдаланиладиган ижтимоий инфратузилмани - уй-жой коммунал хўжалик, умумий таълим мактаблари ва мактабгача тарбия муассасалари, савдо ва умумий овқатланиш, тиббий амбулатория ва фельдшерлик-акушерлик пунктларини ривожлантириш ҳамда бошқариш масалаларини ҳал этишни юклаш мақсадга мувофиқдир. Шаҳар ва туман ҳокимликлари даражасида ижтимоий инфратузилмани - туман маданият уйлари, касалхоналар, поликлиникалар, концерт заллари, жуда оммавий тусдаги касбларга ўргатадиган ҳунар-техника билим юртларини ташкил этиш масалалари ҳал қилиниши айти муддао. Мазкур объектлар бутун туман аҳолисига хизмат кўрсатади.

Вақтинча тусдаги хизматлар кўрсатадиган объектлар мажмуини ривожлантириш вилоят ҳокимликлари ва йирик шаҳарларнинг ҳокимликлари зиммасига юкланади. Улар театрлар, музейлар, ихтисослашган тиббий муассасалар ва ҳоказоларни ўз ичига олади, чунки мазкур объектлар хизматидан вилоят туманларининг аҳолиси, республика марказларида эса шунингдек бутун республика аҳолиси фойдаланади.

Республика бошқарув органларига мазкур масалаларда вилоят ҳокимликлари, тармоқлари ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ишини топшириш лозим. Улар вилоят органлари иштирокида республика ва минтақа аҳамиятига молик айрим, мақсадли ижтимоий дастурларни ишлаб

чиқиши ва амалга ошириши, турли ҳудудий бошқарув поғоналари ўртасида маблағ ҳамда ресурсларни тақсимлаш меъёрларини белгилаши зарур. Бундан ташқари, улар ўз қўл остидаги ҳудудда жойлашган корхоналар ва ташкилотларни, минтақа хусусиятлари ва республика иқтисодиётига қўшаётган ҳиссасига боғлиқ тарзда, солиққа тортиш миқдорлари ва шакллари, янгидан ўзлаштирилаётган ва ўзлаштирилган ҳудудлар ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш истиқболларини ҳамда бошқа халқ хўжалик вазифаларини белгилаши даркор.

Ўз-ўзидан равшанки, ҳар қандай ҳолда аҳоли пунктларини қуриш иши ижтимоий қайта қуриш дастурига биноан ягона комплекс режа бўйича бажарилиши лозим, ушбу дастур эса республикани ижтимоий ривожлантириш, шаҳар ижтимоий инфратузилмаси дастури билан узвий боғлиқ тарзда ишлаб чиқилади.

Мазкур дастурни ишлаб чиқишдан аввал ижтимоий инфратузилма унсурларини таъминлаш иши батафсил тадқиқ этилиши ва дастлабки таҳлилдан ўтказилиши, вазият ўрганилиб, унинг ривожланиши прогноз қилиниши; ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш даражаси ва ишлаб чиқариш корхоналарини тараққий эттириш, ихтисослаш истиқболлари, мавсумий иш кучига зарурат ва уни жойлаштириш тадбирлари белгиланиши; унда мақсадли комплекс дастурлар, туманни лойиҳалаштириш ва аҳоли пунктларини қуриш, меҳнат жамоаларини ижтимоий ривожлантириш режалари тузилгани ва улар ҳозирги кун ва истиқбол талабларига мослиги текширилиши зарур.

Текшириш ва таҳлил натижасида корхонани, аҳоли манзилени, туман ва ҳоказоларни ижтимоий ривожлантириш паспорти ишлаб чиқилиши керак, у дастурни шакллантиришда асос бўлиб хизмат қилади. Дастурдан тактик мақсад - ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришда мавжуд номуносивбликларни бартараф этишдан, туманлар, вилоятлар ва минтақалар ўртасида таъминот даражаларини тенглаштиришдан, шаҳар инфратузилмаси

билан интеграция қилиш тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат бўлиши зарур.

Ижтимоий меъёрлар, шунингдек ижтимоий таракқиётни ривожлантиришда «қолдиқ принципи» баргараф қилиниши, фаол ва адолатли сиёсат юритилиши, ижтимоий инфратузилма объектларининг айрим минтақалар бўйича оқилона жойлаштирилишига эришиш кабилар жамият турли ижтимоий дастурлари ҳал қилиниши даражасини баҳолаш мезони бўлиб қолиши керак.

Ҳозирги вақтгача ижтимоий инфратузилмани комплекс ривожлантириш даражаларини белгиловчи меъёрлар тизими ишлаб чиқилмаган. Амалдаги идоравий меъёрлар ва қоидалар одатда ижтимоий мақсадларга йўналтириладиган ресурслардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги тизимига асосланади. Шаҳарлар, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктларини лойиҳалаштиришда ҳамда қуришда қўлланиладиган қурилиш меъёрлари ва қоидалари мажбурий тусда эмас, чунки уларда қишлоқ жойлар ва шаҳар манзиллари ижтимоий инфратузилмаси ўртасидаги алоқа ҳисобга олинмайди. Шу туфайли ижтимоий инфратузилма барча унсурларини мажмуа тарзида мувозанатланган ривожлантиришга эришиб ҳам бўлмайди. Ундан ташқари, тавсия этилаётган кўпгина меъёрларни зудлик билан қайта кўриб чиқиш талаб этилмоқда. Масалан, мазкур меъёрларда қишлоқ аҳоли манзилларида бир қаватли турар-жойларни қуриш кўзда тутилган, ваҳоланки, тажриба ҳозирдаёқ бундай қарорлар пучлигини кўрсатди, сабаби - улар жуда эскириб, янги воқеликни ҳисобга олмай қолди. Ижтимоий инфратузилманинг меъёрий базаси ва ижтимоий меъёрлар тизими қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

- мақсадли меъёрлар;
- ижтимоий инфратузилма муассасаларининг хизматлари билан таъминланишнинг энг кам даражаси;
- фаолият шароитининг комплекс ижтимоий андозалари;

- иқтисодий меъёрлар (қиёсий сарфлар меъёрлари, фойдаланилаётган ресурслар учун тўловлар).

Шу тариқа инсоннинг уй-жойга эга бўлиш, соғлиғини сақлаш, таълим олиш, ҳордиқ чиқариш, меҳнат қилиш ва ҳоказо ҳуқуқлари амалга ошади. Мазкур энг кам даража ижтимоий истеъмол фондлари ҳисобига таъминланиши шарт, бу ҳолда улар турмуш жами шароити бўйича барча ижтимоий гуруҳларни яқинлаштириш ролини ўйнайди.

Бу жиҳатдан айрим иқтисодчи олимларнинг уй-жой қурилишини аралаш молия билан таъминлашга ўтказиш тўғрисидаги фикрларига кўшилиш лозим, бунда давлат турар-жой майдони ва ободонлаштириш бўйича белгиланган ижтимоий кафолатланган меъёр доирасида турар-жой биносининг бир қисмини қуриш учунгина маблағ ажратади.

Ижтимоий меъёрлар тизимини ишлаб чиқишда минтақавий хусусиятларни шаҳар ва қишлоқ жойларида, аҳоли турмуш тарзи ва бошқа кўп жиҳатлар ўртасидаги тафовутларни ҳисобга олмоқ керак.

Улар орасида қуйидаги жамлама омилларни ажратиш мумкин.

Географик омиллар - аҳоли жойлашув таркиби, урбанизация даражаси; иқлим хусусиятлари, табиий-иқлим шароитининг меҳнат туси ва режимига, халқ хўжалигининг ихтисослашуви, меъморчиликка таъсири; рекреацион имкониятлар ва улардан фойдаланиш даражаси; табиий ресурслар билан таъминланганлик ва табиатдан фойдаланиш хусусияти;

Демографик омиллар - аҳолининг кўпайиш режими - унинг сони, таркиби ва табиий кўчиб юриш таъсирида жойлашувнинг ўзгариши, аҳоли миграцияси ва сафарбарлиги; аҳоли ва меҳнат ресурсларининг жинсий ва ёш таркиби; оилаларнинг шаклланиш, ўсиш ва ажралиш шароити, уларни тури ва таркиби; миграция туси; миграция оқимлари таркиби; аҳолининг миллий таркиби, айрим миллатлар ва элатларнинг зич ёки тарқоқ яшаш даражаси;

Ижтимоий омиллар - ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси ва ўсиш истиқболи, минтақанинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги улуши; ҳозирги босқичда ва истиқболда халқ хўжалигининг

таркиби, бошқарув тизими, минтақада илмий-техник тараққиёт туси; шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзи, миллий ва маиший хусусиятлар, анъанавий этник қадриятлар, уларнинг меъморчиликда акс этиши; минтақада яшовчи миллатлар ва элатларнинг, миллий ва этнографик гуруҳларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиши ҳамда маданий эҳтиёжлар туси.

Мазкур омилларни минтақавий хусусиятлар ва бошқа аломатлардан келиб чиқиб, сифат ва аралаш тавсифлар бўйича тасниф қилиш; улардан ҳал этиш заруратига кўра энг долзарб омилларни ажратиш мумкин.

Иқтисодиётнинг ижтимоий соҳага йўналтирилиши ижтимоий инфратузилмани мустақил бошқарув объекти, уни ривожлантириш муаммоларига тизимли ёндашув сифатида алоҳида ажратиб олишни шарт қилиб қўяди. Инфратузилманинг яхлит бошқарув объекти сифатида ажратилиши бутун халқ хўжалиги мувозанатли ва мутаносиблик асосида ривожлантириш, минтақалар ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги номутаносибликларга барҳам бериш имконини яратади.

Ижтимоий инфратузилмани такомиллаштириш вазифаларини ижтимоий-иқтисодий "шаҳар - қишлоқ" тизимини шакллантиришнинг яхлит дастурини яратмай ва амалга оширмай, уни мувозанатли ва мутаносиблик негизида ривожлантирмай, турли тузилмалардаги ижтимоий инфратузилмаларни ўзаро қўшмай ва тўлдирмай туриб ҳал қилиб бўлмайди. Бунинг учун бошқарувнинг барча даражалари ва поғоналарида комплекс ижтимоий тараққиётга ўтиш, корхоналар ва ҳудудларнинг манфаатларини узвий бирлаштириш даркор. Изчил ва узлуксиз бошқарув уфқларни кенгайтириш, мақсадларни ойдинлаштириш йўли билан таъминланиши шарт.

Ижтимоий адолат принципларини рўёбга чиқаришдан иборат мақсад ижтимоий инфратузилмани шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий вазифаларини ҳудудий бошқарув органлари - ҳокимликлар қўлига топширишни тақозо этади.

Худудий-маҳаллий органларнинг бюджетларини шакллантириш иши ҳам улар худудидаги ишлаб чиқарувчи кучлар фаолиятининг самарадорлигига боғлиқ равишда, ҳам ижтимоий инфратузилма тараққиёт даражасини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши зарур. Бу эса уни ривожлантиришдаги худудий ва тармоққа оид номуносивбликларни йўқотиш имконини беради, аҳоли ижтимоий эҳтиёжларини қондириш учун тенг шароит яратади, худудий бошқарув органларининг ижтимоий муаммолар соҳасида қабул қиладиган қарорлари учун масъулиятини кучайтиради.

Шуни қайд этиш керакки, «Қишлоқ фаровонлиги ва тараққиёти йили»да ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни давлат вазифаси даражасига кўтаришни, айти вақтда молиялаш манбаидан қатъий назар, инвестиция сиёсатини, уни амалга оширишнинг барча белгиланган афзалликлари билан бирга қайта қуришни тақозо этади.

### **3.3. Наманган вилоятида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш истиқболлари**

Мамлакатни модернизациялаш даврида иқтисодиёт тармоқ таркибини минтақалар кесимида ташкил этиш ва ривожлантириш иқтисодий сиёсат соҳасида стратегик аҳамият касб этиб, бу борада мамлакат Президенти ўзининг 2010 йил 21 январдаги Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган маърузасида шундай таъкидлайди: “Мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришга қаратилган узоқ муддатли стратегик мақсадни амалга оширишнинг мантиғи мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошланган ва Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини ошириш ва мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган таркибий ўзгаришлар ва юксак технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини жадал ривожлантириш сиёсатини 2011 йилдаги асосий устувор йўналиш сифатида давом эттиришни тақозо этмоқда.

Бу ўринда ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ва мамлакатимиздаги хом ашё ва ресурсларга бой мавжуд манбалардан оқилона фойдаланиш асосида юқори қўшимча қийматга эга бўлган юксак технологик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлайдиган истиқболли иқтисодиёт тармоқлари ҳақида сўз бормокда ...

... Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш биз учун энг муҳим устувор вазифа сифатида изчил давом эттирилади”<sup>9</sup>.

Албатта, бу борада Президент маърузасида иқтисодиёт реал сектор тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Лекин, айти пайтда мамлакат раҳбари юқорида белгиланган вазифаларнинг изчил ижросини таъминлаш борасида хизматлар сектори ролини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтади: “Бизнинг 2011 йилги ва истиқболга мўлжалланган иқтисодий дастуримизни амалга оширишда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини комплекс ва жадал равишда ривожлантириш устувор йўналишга айланиши даркор.

Бу муҳим устувор вазифани изчил амалга ошириш учун 2015 йилгача бўлган даврга мўлжалланган махсус дастур ишлаб чиқилган бўлиб, у иқтисодиёт тармоқлари ва мамлакатимиз ҳудудларини истиқболли ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган дастур билан узвий боғлиқдир”<sup>10</sup>.

Наманган вилоятида хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланиши истиқболлари масаласи ҳам, айтиш жоизки, юқори давлат раҳбари томонидан белгилаб берилган устувор вазифалар ечимида гавдаланади. Вилоятда бугунги кунда хизматлар секторини ташкил этиш ва ривожлантиришга бир неча йўналишдаги ёндошувни кузатиш мумкин. Чунончи,

---

<sup>9</sup> Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади //2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. – Т.: “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил, 22 январь

<sup>10</sup> Ўша жойда.

**Биринчидан**, мамлакатимизнинг барча минтақаларини узлуксиз боғловчи ягона миллий автомобиль транспорт тизимини барпо этиш лойиҳаларининг амалга оширилиб борилиши шароитида Наманган вилоятида ҳам халқаро даражадаги автомобил йўллари, айти пайтда, транспорт коридорлари бўйлаб, техник, маиший, савдо ва умумий овқатланиш хизмати шахобчалари тизимини янада такомиллаштириш кўзда тутилмоқда. Бу борада Президент ўз маърузасида шундай тўхталиб ўтади: “Сизларнинг эътиборингизни яна бир долзарб масалага, яъни Тошкент-Андижон автомобиль йўлининг «Қамчиқ» домини орқали ўтадиган тоғли участкасини реконструкция қилиш, бу ерда 4 полосали, цемент-бетон қопламали йўл қурилиши бўйича ишларни жадаллаштириш зарурлигига қаратмоқчиман.

Биз Фарғона водийси минтақаларини мамлакатимизнинг бошқа минтақалари билан йил давомида ишончли ва кафолатли боғлаб турадиган транспорт алоқасини таъминлашимиз зарур”<sup>11</sup>.

**Иккинчидан**, маълумки жорий йилда “2011-2015 йилларда Ўзбекистон саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Дастур қабул қилинди. Бундан кўринадики, келажак 4-4,5 йил мамлакатимизда, жумладан, унинг минтақаларида том маънодаги индустрлаштириш даври бўлади. Бу эса ўз навбатида саноат ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва ривожлантиришга хизмат кўрсатувчи сервис соҳалари – транспорт, фан ва илмий-техник, таълим, молиявий, консалтинг, маркетинг, ижтимоий-маиший ва бошқа турдаги хизмат соҳалари учун барқарор талабни шакллантиради. Бу мулоҳазамаизни дастурнинг моддий-молиявий таъминоти ҳақидаги Президентимизнинг куйидаги фикрлари билан асослашимиз мумкин: “Ушбу дастур саноат соҳасида умумий қиймати қарийб 50 миллиард долларни ташкил этадиган 500 дан ортиқ йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширишни кўзда тутди.

---

<sup>11</sup> Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади //2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. – Т.: “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил, 22 январь

Яқин беш йил ичида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини камида 60 фоизга ошириш, ялпи ички маҳсулотда унинг улушини 2010 йилдаги 24 фоиздан 2015 йилда 28 фоизга кўпайтиришни таъминлаш вазифаси қўйилмоқда. Бу борада машинасозлик, автомобилсозлик, кимё, озиқ-овқат, фармацевтика, қурилиш материаллари саноати ва бошқа соҳаларни жадал ривожлантириш ҳисобидан ушбу тармоқларда икки баробардан зиёд ўсишга эришилади”<sup>12</sup>.

**Учинчидан,** Иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши, нарх барқарорлигига эришиш ва унинг ташқи омилларга мойиллигини пасайтириш, минтақавий бирликларнинг ўзаро интеграциясини чуқурлаштириш мақсадида миллий логистика тизимини такомиллаштириш негизида моддий-таъминот соҳасидаги хизматларни изчил ривожлантириш муҳим йўналишлардан ҳисобланади.

2011 йил республика инвестиция дастурига кўра 2010 йилда ташкил этилган Ангрен логистик маркази янада ривожлантирилиб, ушбу логистик марказ орқали “Қамчиқ” довонидан камида 5 миллион тонна юк ташиш кўзда тутилмоқда. Бу борада дастурда марказнинг контейнерларни қисқа муддатларда қабул қилиш, сақлаш ва жўнатиш қувватини ошириш, янги замонавий транспорт ва махсус техника воситалари билан таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгиланган.

**Тўртинчидан,** маълумки, Наманган вилоят иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги стратегик тармоқлардан ҳисобланади. Бугунги иқтисодиётни модернизациялаш ва интенсив хўжалик юритиш шароитида вилоят агросаноат мажмуасининг истиқболини хизматлар секторисиз тасаввур қилиш қийин. Бу бора “... энг асосий масала бўлмиш замонавий технологиялардан фойдаланиш билан боғлиқ эканини, ўйлайманки, тушуниш қийин эмас.

---

<sup>12</sup> Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади //2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. – Т.: “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил, 22 январь

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги замонавий агротехнологияларни ўрганиш ва амалда жорий этиш билан ўта жиддий шуғулланиши, селекция ишларини янада такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг маҳсулдорлигини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиши”<sup>13</sup> кўзда тутилмоқда.

Бу эса ўз навбатида агросервис соҳалари, жумладан, селекция ва наслчилик хизматлари, агрокимё, агротехник ва мелиорация хизматлари, фан ва таълим хизматларига талабнинг изчил ўсишини кўрсатади.

**Бешинчидан**, бугун жаҳонда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам хизматлар секторининг янги, ноанъанавий турлари тез суръатларда ривожланиб бормоқда.

Кенг форматли ва оптик технологияли телекоммуникация тармоғининг барпо этилиши алоқа, жумладан, интернет, телефон, телерадио ва почта хизматлари кундалик турмушимизда ўз муносиб ўрнини эгаллаб улгурди.

Бундан ташқари бозор муносабатларининг тобора чуқурлашуви ўзига хос бозор инфратузилмалари тизими ривожланишини рағбатлантирмоқда. Бугунги кунда давлат ўзинг хусусийлаштириш, давлат сектори буюртмаларини тақдим этиш ёки давлат харидини амалга оширишда давлат органларининг бевосита иштирокидан воз кечган ҳолда, ихтисослашган биржалар савдоларидан, брокерлик фирмалари хизматларидан фойдаланмоқда. Бунинг самарасида бир томондан, бозор инфратузилмаларини ривожлантириш, иккинчидан эса, иқтисодий либераллаштириш, давлатнинг хўжалик муносабатларига аралашувини сезиларли даражада камайтириш имконияти туғилмоқда.

Мамлакатимизда, шу жумладан, Наманган вилоятида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳалари ривожланишидаги мазкур устувор йўналишларни ҳисобга

---

<sup>13</sup> Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади //2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. – Т.: “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил, 22 январь

олган ҳолда вилоят учун хос бўлган қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш таклиф этилади:

- вилоят иқтисодиётининг тармоқ таркибини янада кенгайтириш, диверсификациялаш, хизматлар соҳасини ривожлантириш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш орқали ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, шу орқали вилоят молия-иқтисодий барқарорлигини, мустақиллигини таъминлаш;

- хизматлар секторида ресурс айланиши тезлигини инобатга олган ҳолда, хизматлар ҳажмини ошириш орқали пул маблағларининг ички ҳаракатини фаоллаштириш, пул айланмаси ҳажмини ошириш, яъни, аҳоли истеъмол харажатлари ҳажмида вилоят хўжалиги томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва хизматлар реализацияси улушини кўпайтириш;

- вилоят хўжалигининг ихтисослашувида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг устивор тармоқ сифатида яқин келажақда ҳам сақланиб қолиниши шароитида, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини самарали ташкил этиш, янги барпо этилаётган фермер ва деҳқон хўжаликларининг агроинфратузилма хизматларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш, шу орқали ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини пасайтириш, ишлаб чиқаришнинг техник, кимёвий ўғитлар, янги ўсимликлар навлари ва ҳайвон насллари таъминотини изчил йўлга қўйиш;

- фермер ва деҳқон хўжаликлари, шунингдек, хўжалик фаолиятининг бошқа соҳаларида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иқтисодий ва моддий имкониятлари даражасида маҳаллий шарт-шароитларни инобатга олувчи хизматлар кўрсатиш тизимларини юзага келтириш;

- аҳолининг мунтазам бандлигига эришиш, барқарор даромадларга эга бўлиши учун моддий асосни шакллантириш орқали, ташкил этилаётган маиший ва ижтимоий инфратузилмалар ҳисобига аҳолининг турмуш маданиятини ошириш;

- ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш орқали вилоят хўжалик ихтисослашувига йўналтирилган соҳалар бўйича малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш;

- вилоятда хизматлар секторининг саноатга хизмат кўрсатувчи тармоқларини янада кенгайтириш;

- банк, суғурта, лизинг ва бошқа бозор хизматларини янада кенгайтириш, аҳоли қатламлари ўртасида ушбу янги хизмат турлари афзалликларини кенг тарғиб қилиш;

- хизмат кўрсатиш тузилмаларига имтиёзли кредит тизимини жорий этиш, уларни зарурий ахборот ресурслари билан узлуксиз таъминлаш тизимини яратиш;

- маиший ва бошқа анъанавий хизмат турлари, жумладан, савдо, умумий овқатланиш тармоқларини модернизациялаш, уларнинг сифат даражасини ошириш, бу борада айниқса, таъминот ва тайёрлов тизимини шакллантириш ва бошқалар.

## ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Инфратузилма – ижтимоий ва иқтисодий ишлаб чиқариш учун нормал шарт-шароитларни таъминловчи тармоқ ва саноат мажмуидир. Инфратузилма жамият ишлаб чиқариш кучларининг бўлинмас қисми ҳисобланади. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси ишлаб чиқариш маблағларининг ишлаши ҳамда узок муддат ишлашини таъминлайдиган тармоқларни ўз ичига олади. Ижтимоий инфратузилманинг асосий вазифаси қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-маиший шароитларини келгусида яхшилаш ҳисобланади. Ижтимоий инфратузилма объектларини ташкил этиш ва уларнинг мақсадга мувофиқ ишлаб туриши улар жойлашган қишлоқ хўжалиги корхонасининг иқтисодий ривожланганлик даражасига боғлиқ.

Ижтимоий инфратузилма мураккаб вазифалар тизимидан иборат бўлиб, унда барча унсурлар ўзаро боғланганки, улардан бирининг ривожланишдан ортда қолиши бошқаларидан самарасиз фойдаланилишига сабаб бўлади. Маъмурий-буйруқбозликка асосланган бошқарув тизими ҳукм сурган шароитда ижтимоий инфратузилмани молиялаш манбалари фақат марказлаштирилган фондлар ва элементлар билан чекланган бўлиб, улардан фойдаланиш тартиби ҳамда йўналиши жуда қаттиқ назорат қилинар эди.

Ҳозирги вақтгача ижтимоий инфратузилманинг комплекс ривожлантириш даражаларини белгиловчи нормативлар тизими ишлаб чиқилмаган. Амалдаги идоравий меъёрлар ва нормативлар, одатда, ижтимоий мақсадларга йўналтириладиган ресурслардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги тизимига асосланади. Шаҳарлар, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктларини режалаштиришда ҳамда қуришда қўлланиладиган қурилиш меъёрлари ва қоидалари мажбурий тусда эмас, чунки уларда қишлоқ жойлар ва шаҳар манзиллари ижтимоий инфратузилмаси ўртасидаги алоқа ҳисобга олинмайди. Шу туфайли ижтимоий инфратузилма барча унсурларини мажмуа тарзида мувозанатланган ривожлантиришга эришиб ҳам бўлмайди.

Ўзбекистон мустақил бўлганидан кейин, соғлиқни сақлаш муассасалари сонини ошириш ҳисобига ривожланди. Ҳозирги вақтга келиб, тиббий муассасалар инфратузилмаси қайта қурилмоқда. Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (УССГ) мутахассисларининг фикрича, молиялаштиришнинг асосий манбалари: давлат бюджети 60%, тиббий суғурта 30% ва пулли хизматлар 10%. Шундай қилиб, умуман, тўла ижобий ифодага эга бўлган жараён ҳозирги шароитда аҳолининг тиббий хизматларни истеъмол қилишда кескин табақалашувиغا олиб келиш эҳтимоли бор.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ижтимоий инфратузилма тараққиётини бошқаришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- республика, тармоқ ва ҳудудий бошқарув идораларининг вазифаси ҳамда мақсадлари, мулкӣ ҳуқуқларини чегаралаш;
- қишлоқ кенгашлари, туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари ролини қайта кўриб чиқиш;
- мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини ҳисобга олиб, ижтимоий соҳада қайта қуриш дастурини ишлаб чиқиш;
- ҳужжатлар ва тавсиялар, меъёрий йўриқномалар базасини тайёрлаш;
- минтақавий хусусиятлар ва омилларни ҳисобга олиш, буларга ижтимоий меъёр кўрсаткичлари тизимини ишлаб чиқишга эътибор қаратиш;
- уй-жой муаммоларига эътибор бериш ва яқка тартибда уй-жой қурилишини ривожлантириш. Шаҳар жойларда ижтимоий инфратузилма тараққиётини бошқариш муаммолари қуйидагилардан иборат;
- ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантиришда мўлжалланган маблағлар ва ресурсларни бошқаришга оид барча вазифаларнинг маҳаллий бошқарув идоралари кўлида ҳқиқатан жамланишига эришиш;
- хўжалик юритиш ва тармоқлар ҳамда ҳудудларнинг ўзаро таъсири ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш;

- минтақалар ўртасида ва ичида, унинг унсurlари, вертикал ва горизонтал тузилмалари ўртасида ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришдаги номуносибликларга барҳам бериш;

- шаҳар ва қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини янада интеграция қилиш, бунда иш тизимларига хос ижобий жиҳатларни бутун чоралар билан ривожлантириш ҳамда уларнинг нохуш жиҳатларини имкон қадар чеклаш (ёки бартараф қилиш) мақсадини кўзлаш;

- шаҳарни ижтимоий қайта қуришнинг мақсадли, комплекс дастурини тузиш ва амалга ошириш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, фаол демографик сиёсат юритиш.

Мамлакатимизда, шу жумладан, Наманган вилоятида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳалари ривожланишидаги мазкур устувор йўналишларни ҳисобга олган ҳолда вилоят учун хос бўлган қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш таклиф этилади:

- вилоят иқтисодиётининг тармоқ таркибини янада кенгайтириш, диверсификациялаш, хизматлар соҳасини ривожлантириш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш орқали ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, шу орқали вилоят молия-иқтисодий барқарорлигини, мустақиллигини таъминлаш;

- хизматлар секторида ресурс айланиши тезлигини инобатга олган ҳолда, хизматлар ҳажмини ошириш орқали пул маблағларининг ички ҳаракатини фаоллаштириш, пул айланмаси ҳажмини ошириш, яъни, аҳоли истеъмол харажатлари ҳажмида вилоят хўжалиги томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва хизматлар реализацияси улушини кўпайтириш;

- вилоят хўжалигининг ихтисослашувида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг устивор тармоқ сифатида яқин келажакда ҳам сақланиб қолиниши шароитида, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини самарали ташкил этиш, янги барпо этилаётган фермер ва деҳқон хўжаликларининг агроинфратузилма хизматларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш, шу орқали ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот

таннархини пасайтириш, ишлаб чиқаришнинг техник, кимёвий ўғитлар, янги ўсимликлар навлари ва ҳайвон насллари таъминотини изчил йўлга қўйиш;

- фермер ва деҳқон хўжаликлари, шунингдек, хўжалик фаолиятининг бошқа соҳаларида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иқтисодий ва моддий имкониятлари даражасида маҳаллий шарт-шароитларни инобатга олувчи хизматлар кўрсатиш тизимларини юзага келтириш;

- аҳолининг мунтазам бандлигига эришиш, барқарор даромадларга эга бўлиши учун моддий асосни шакллантириш орқали, ташкил этилаётган маиший ва ижтимоий инфратузилмалар ҳисобига аҳолининг турмуш маданиятини ошириш;

- ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш орқали вилоят хўжалик ихтисослашувига йўналтирилган соҳалар бўйича малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш;

- вилоятда хизматлар секторининг саноатга хизмат кўрсатувчи тармоқларини янада кенгайтириш;

- банк, суғурта, лизинг ва бошқа бозор хизматларини янада кенгайтириш, аҳоли қатламлари ўртасида ушбу янги хизмат турлари афзалликларини кенг тарғиб қилиш;

- хизмат кўрсатиш тузилмаларига имтиёзли кредит тизимини жорий этиш, уларни зарурий ахборот ресурслари билан узлуксиз таъминлаш тизимини яратиш;

- маиший ва бошқа анъанавий хизмат турлари, жумладан, савдо, умумий овқатланиш тармоқларини модернизациялаш, уларнинг сифат даражасини ошириш, бу борада айниқса, таъминот ва тайёрлов тизимини шакллантириш ва бошқалар.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### I. Расмий ҳужжатлар

#### Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Т.: “Адолат”, 1992
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2008 йил 18 ноябрь, ПФ-4053-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4057-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4058-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 20 январь, ПҚ-1041-сон.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. «Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини кучга киритиш тўғрисида. 2009 йил 26 январь, ПҚ-1046-сон.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 26 январь, ПҚ-1047-сон.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 28 январь, ПҚ-1050-сон.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 29 январь, ПҚ-1051-сон.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида. 2010 йил 27 январь, ПҚ-1271-сон.

## **II. Махсус адабиётлар**

1. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.
2. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.
3. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.
4. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
5. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда

мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

6. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009. – 24 б.

16. Абдуғаниев А. Қишлоқ хўжалиги иқтисоди. Дарслик. -Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси қошидаги Адабиёт жамғармаси, 2004.

17. Абдурашидов А. Сфера обслуживания населения в условиях рыночной экономики. - Т.: «Ўзбекистон», 1992.

18. Абдувоҳидов А. «Ахборотлаштириш инфратузилмаси ва тараққиёт». - Т.: «Иқтисод ва Ҳисобот», 10-сон, 1997 .

19. Абдуллаев О. Минтақалар ва мамлакатлар иқтисодиёти. – Т.: Янги аср авлоди. 2010.

20. Ваҳобов А. Қишлоқда ижтимоий соҳа. «Иқтисод ва ҳисобот», 2-сон, 1996.

21. Ваҳобова У. Қишлоқда бозор инфратузилмаси. «Иқтисод ва ҳисобот», 5-сон, 1997.

22. Ваҳобов А., Исмоилова Б. Қишлоқда бозор инфратузилмаси. «Иқтисод ва ҳисобот», 5-сон, 1997.

23. Гукова А.В. Производственная инфраструктура в экономике региона. – М., “Экономика”, 2001. Стр.-235.

24. Макконнел Кэмпбелл Р., Брю Стэнли Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. В 2 т.: Пер. с англ. 11-го изд. Т.2 – М., Республика, 1992. Стр.-400.

25. Н.Юсупов, М.Тошболтаев. Қишлоқ хўжалиги техника воситаларини лизинг орқали еиказиб бериш тизими. «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги»,6-сон, 2001.

26. Емельянов А. Экономика сельского хозяйства. Москва, 1995

27. Каюмов Ф.К. Эффективность АПК- в условиях перехода к рынку. - М., 1992.

28. Набиев О. Хизмат кўрсатиш соҳаси. Иқтисоди ва ҳисобот журнали, 3-сон, 1995.

29. Норбоев Э. Қишлоқда ижтимоий ҳимоялаш. Иқтисод ва ҳисобот журнали, 11-сон, 1996.

30. Отабоев О. Инфратузилма ва самарадорлик. Иқтисод ва ҳисобот журнали, 10-12-сонлар, 1995.

31. Салимов Б.Т., Ўроқов Н.И. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти. Ўқув кўлланма. Т.: ТДИУ, 2004.

32. Ходиев Б. ва бошқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув кўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009.

33. Xaydarov M.T. Ashurova D.S. «Iqtisodiy va ijtimoiy rivojlanishni prognozlashtirish» – Т.: TDIU, 2007 yil– 185 bet.

34. Шадманов Э.Ш. Мамлакатни модернизациялаш жараёнида иқтисодиётни мувозанатли ва мутаносибли ривожлантиришнинг асосий йўналишлари //И.ф.д. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: 2011. 47 бет

35. Bosworth B., Triplett./ Productivity Measurement Issues in Services Industries: Baumol's Disease Has been Cured. The Brookings Institution. 01. 09. 2003. P.26.

36. Pilat D., Wolff A. Measuring the Interaction between Manufacturing and Services. STI W.P. 2005/5. Paris, 2005. P. 3, 12.

### **III. Интернет сайтлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти портали  
<http://www.gov.uz>

2. Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети. [www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)

3. University of Hawaii at Hilo – Agroecology and Environmental Quality Program. [www.uhh.hawaii.edu](http://www.uhh.hawaii.edu)

4. Мардонова А.Т., Исҳоқова С.А. Аграр соҳада мулкӣ муносабатларни рўёбга чиқаришнинг долзарб услублари. [www.ski.ilm.uz](http://www.ski.ilm.uz)

5. Саратовская сельскохозяйственная академия. [www.tstu.ru](http://www.tstu.ru)

6. Rozvoj integrace a infrastruktura. [www.deloitte.com](http://www.deloitte.com)

7. Таълим ресурслари портали <http://www.ziyonet.uz>

8. Россия таълим ресурслари портали <http://www.alleng.ru>

9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги портали <http://www.uzssgzt.uz>

10. Тошкент молия институти <http://www.tfi.uz>

#### **IV. Диссертация мавзуси бўйича чоп этилган мақолалар**

1. Авляев О. “Ўзбекистонда аҳолини иш билан таъминлаш ва янги иш ўринларини яратиш” Иқтидорли талабалар, магистрантлар, аспирантлар, докторантлар ва мустақил изланувчиларнинг илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. Н.: НамМПИ. 2010 й. 124 б.